

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
Республика таълим маркази**

**РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**(ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИ МИСОЛИДА)**

**Тошкент 2013**

## КИРИШ

Жамиятнинг ҳар томонлама раванқ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ.

Таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани таълим муассасаларида таълим сифатининг ошишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, ҳар қандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланади. Таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи ва ўқувчилар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари шундан иборатки, маълум мавзу бўйича назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини беради.

Ўқитувчининг фаол, самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таълим жараёнининг методик дарс ишланмасидан фарқли равишда, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчиларга қаратилади, шунингдек, уларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материални ўзлаштиришга шароит яратади.

Президентимиз И.А.Каримов ўқувчи тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб шундай ёзади: “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизни эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”<sup>1</sup>.

Тарбия деганда аввало, ёш авлоднинг келажак ҳаётга тайёрлаш тушунилади. Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ шакллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради. Биз тарбия жараёни ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу тайёрлаш, махсус ташкил қилинган тарбия фаолиятлари билан амалга оширилади. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклланади, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларга хизмат қиладиган хулқий одатларни ҳосил қилинади.

Бугунги таълимнинг ривожини ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодкор бўлиши, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириб боришини тақозо этмоқда.

Шундай экан, таълим жараёнида ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи ҳар бир мураббий ўқувчиларни баркамол инсон қилиб етиштириш учун уларнинг халқ инсонпарварлиги чашмаларидан, умумбашарий қадриятлардан баҳраманд бўлишларига эътибор бериб, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни, буюк мутафаккирларимизнинг маънавий меросини яхши билиши ва уларни дарсларга тадбиқ этиши лозим.

Бу қўлланмада таълим технологиялари, ривожлантирувчи, муаммоли таълим технологиялари ва уларнинг она тили ва адабиёт дарсларда қўлланилиши ҳақида сўз юритилади.

Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир.

Ўқитувчи дарс жараёнида педагогик технология асосида ўқувчиларнинг онгидаги илғор кучларга таяниб, ижодий камолотига ёрдам бериш натижасида дарсларни ташкил этишлари лозим.

Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муносабат эришилган ютуқлардан завқланиш, ўқув фаолиятига масъулиятли ёндашиш ҳамда ўзаро ҳамкорликда ижодий фаолиятни йўлга қўйишга ундаши керак. Бу эса педагогик таъсирни ташкил этиш учун зарур бўлган ўзаро алоқа воситаси “кўприк”ни вужудга келтиради.

### 1. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008. 61-бет.

Маълумки, педагогик технология- таълим жараёнида олдиндан режалаштирилган ва тўлалигича лойиҳалаштирилган, муайян вақтга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим олувчи шахсига қаратилган, фаоллаштирилган усуллар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатлайдиган таълим бериш жараёнидир.

Педагогнинг жонли нутқи, шахсларнинг ўйинлари, жамоатчилик ҳаракатлари тарбия воситаси вазифасини бажаради. Аммо тегишли тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун уларни албатта мураббий педагог ишининг муайян системасига киритиш керак. Тарбия натижасининг самарали бўлиши тарбиявий жараёни ташкил этиш усуллари, воситалари ва шаклларида моҳирона фойдаланишга ва уларнинг уйғунлигини таъминлашга боғлиқ.

Технологияларни қўллаганда, ўқувчи билимини кузатиш, уларнинг ўсишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ғоялар билан таққослаш, уларнинг ривожланиш йўллари ва усулларини аниқлаш, мосини танлаш, турли воситалар, тарбиявий таъсир кўрсатиш усулларининг ўзаро бир-бирига ўтиши диалектикасини чуқур таҳлил қилиш ишларига аҳамият беришимиз керак. Таълим технологиялари қуйидаги йўналишларга бўлинади:

1. Замонавий –анъанавий ўқитиш элементларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар;
2. Педагогик жараёнда шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар;
3. Ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги педагогик технологиялар;
4. Ўқув жараёнини самарали бошқаришга асосланган педагогик технология;
6. Ривожлантирувчи таълим технологиялари;
7. Хусусий ўқув предметларига тегишли технологиялар.

**Замонавий анъанавий таълим.** XVII асрда Я.А.Коменскийнинг дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, ҳозирда дунёдаги мактабларда энг кўп қўлланаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар асосан шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда турли йўналишларда ривожланмоқда.

**Педагогик жараёни такомиллаштириш, уни ўқувчи шахсига йўналтиришга** асосланган педагогик технологиялар: Ҳамкорлик педагогикаси, таълимнинг инсонпарварликка асосланган технологияси ва бошқалар.

**Ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш** асосидаги педагогик технологиялар. Муаммоли ўйинлар, таянч сигналлар канспектлари технологиялари ва бошқалар.

**Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш** асосидаги педагогик технологиялар. Бу технологияларга табақалаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари; таълимнинг жамоа усули, гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари кабилар киради.

**Ривожлантирувчи таълим** технологиялари. Буларга ўқувчи шахсининг сифатларини, айрим соҳалардаги билимларини, ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиялари киради.

Булардан ташқари **хусусий (ўқув фанлари)** педагогик технологиялари, **альтернатив** ҳамда **муаллифлик** педагогик технологиялари йўналишлари ҳам мавжуд.

## **2. РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

Ривожлантирувчи таълим маълум бир вақтда, ўқувчининг таълимий, тарбиявий, маънавий, рухий ва жисмоний ривожлантириш ҳамда уни тез ўзгарувчан дунёда жамиятга, ҳаётга мослашувини таъминловчи таълим назариясидир.

Ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат жамият ҳаётидаги шахсга тааллуқли барча ижтимоий таъсирларни инсоннинг ривожланиши учун, унинг ўзлигини англаши ва намоён қила олиши учун мақсадли равишда йўналтира олган бўлиши керак.

Ривожлантирувчи таълим технологиялар қўлланганда, ўқувчилар қизиқишининг ортишига, билимларнинг кўникмага айланишига, билим сифат-самарадорлигининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, бошланғич таълим ўқувчиларнинг ақлий ривожланишлари, маънавий фазилатларини ривожлантириб боришга асос яратади. Бу даврда болага бериладиган билимлар воситасида шахснинг онги, тафаккури, дунёқараши ва маънавий дунёсини ўстириб ривожлантириб бориш-таълимда боланинг ривожланиш жараёнини ташкил этишнинг асосий кўринишларидан биридир.

Бошланғич таълимда амалий фаолият ва турли қизиқарли воситалар асосида керакли билимлар сингдирилиб борилади. Бу фаолият жараёнида ўқувчи бирон бир натижага эришиши, образлар орқали тасаввур қилиши, ўз кўли билан бирон нарсаларни яратиши, ижод қилиши орқали ривожлантирилиб борилган бола ўз менини англай бошлайди.

*Ривожлантирувчи таълимнинг мақсади*-Ўқувчиларда мантиқий, танқидий, таҳлилий, ижодий фикрлашни ривожлантириш орқали баркамол шахсни шакллантиришдан иборатдир.

*Ривожлантирувчи таълимнинг вазифаси*-шахснинг индивидуал камол топиши учун зарур бўладиган ҳаётий кўникма ва малакаларини ривожлантириш саналади.

Ривожлантирувчи таълимнинг ўзига хос хусусиятлари- ўқувчиларда топшириқларни ечишга оид назарий тушунча ва амалий кўникма, малакаларни шакллантиради. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

*Ривожлантирувчи таълимнинг асосий йўналишлари:*

1. Муаммоли таълим.
2. Эвристик таълим.
3. Тадқиқотчилик таълим.
4. ИМЕН (ТРИЗ) (ихтирочилик Масалаларини ечиш назарияси)

*Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи тамойиллари:*

инкорпорация(тизимли фаолият кўрсатиш)-турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;

мосланувчанлик-таълим шакли, усули ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланувчанлиги;

уйғунлик-муаян ўқув предметида оид ўқув материали мазмунининг шахсини ривожлантириш шакл, усули ва усуллар билан уйғунлиги;

яратувчанлик-турли таълим муассасалари педагогларининг педагогик технологияларини яратиш имкониятлари;

табиийликка асосланиш- генетик ва ижтимоий жихатларга мувофиқ ўқувчиларнинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олишдан иборатдир.

Ривожлантирувчи таълимнинг айрим технология ва усуллари:

## Технологиялар

“Бумеранг”  
“ФСМУ”  
“Венн” диаграммаси  
“Балиқ склети”  
“Елпиғич”  
“Занжир”  
“Зинама-зина”  
“6х6х6”  
“Дидактик ўйин”

“Икки ёқлама кундалик”  
“КБИ”

## Усуллар

“Ақлий ҳужум”  
“Гуруҳларда ишлаш”  
“Ролли ўйин”  
“Ишбилармонлик ўйини”  
“Рефлексия”  
“Тақдимот”  
“Галерея”  
“Т жадвал”  
“SWOT” таҳлил

“Резюме”  
“Мини лекция”

### 3. ТЕХНОЛОГИЯ ВА УСУЛЛАРНИНГ ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

**“ФСМУ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**- мунозарали масалаларни ҳал этишда, бахс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (ўқувчиларнинг ўқув-семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўқувчиларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишда, қай даражада эгаллаганликлари баҳолаш ва баҳслашиш маданиятига ўргатади.

**Мақсад**- Ушбу технология ўқувчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларини баён этишга ёрдам беради.

**Ўтказиш технологияси:**

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

1-босқич

-тренер ўқувчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-тренер ўқув машғулотида аввал ҳар бир ўқувчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида ўқувчиларга маълумот беради;

-машғулот давомида ҳар бир ўқувчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2- босқич

Ҳар бир ўқувчига ФСМУ технологиясининг 4-босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилган:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг.

М- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У- фикрингизни умумлаштиринг.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси.

Ҳар бир ўқувчи якка тартибда қоғоздаги ФСМУ-нинг 4-босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлдиради.

3- босқич

Ҳар бир ўқувчи ўз қоғозларини тўлдириб бўлгач, тренер уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларидадан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади;

тренер ҳар бир гуруҳга ФСМУ технологиясининг

4-босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;

тренер кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда

4-босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4- босқич

-кичик гуруҳларда аввал ҳар бир ўқувчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади;

- гуруҳ аъзолари ФСМУ нинг 4-босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар;

- Фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир ўқувчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботланиши мумкин.

5- босқич

- кичик гуруҳлар умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борида изоҳ бераман ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаши, яъни гуруҳларнинг айнан нима учун, шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6- босқич

- тренер машғулотга яқин ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан ўқувчиларга мурожат қилади:

-ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

**Намуна:**

Она тили фанининг ўқув дастурида “Тасвирий ифода” мавзуси берилган бу мавзунини ўқишда «Тасвирий ифода» лар ҳам ўзбек тили ифода воситаларининг бир кўриниши эканлиги, оғзаки ва ёзма нутқда тутган ўрни ҳақида қисқа изоҳ беради. Тасвирий ифодани ўқувчиларнинг ўзлари топишга жалб қилади. Мисол учун, шеър ўқиб беради.

**«Кўрдим, Шуккур Бурхон» асари**

Кўрдим: Шуккур Бурхон “Ҳамза”дан чиқиб,

Аста пиёдалаб кетди бир куни.

Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,

оломон...

Кўпчилик билмади уни.

Репетиция ўтган. Мана у борар,

Чарчок, тунд...

Парвосиз ҳаракат аро.

Ҳозиргина улуг шох Эдип эди,

Энди фуқародан баттар фуқаро.

Устоз! Замонларларнинг дониш макрини

Кўчада гримсиз кўрсатишми бу?!

Кеча йиғлаб сизга талпинган жонлар

Бугун танимасдан ўтарлар, ёху!

Шеърни ўқитувчи ифодали қилиб ўқиб берилади. Сўнгра шеърда тасвирланган ҳолатни тасаввур қилиш ва ўзида қандай бир туйғулар сезганлигини гапириб бериш сўралади, тасвирий ифодалар аниқланади. Ўқитувчи ўқувчилар баёнини умумлаштириб, адиб “замонларнинг дўниш макрини” дея кўплаб ўхшатишлар, жонлантиришлардан

фойдаланиб, ўзига хос тарзда нафис, гўзал ифодалаб бергани, ўзбек тилининг бой ифода воситаларидан ўринли ва унумли фойдалангани, ўзбек тили имкониятининг бекиёслиги шеърда ўз ифодасини топганлигини айтиб ўтади. Ўқитувчилар юқоридаги босқичлар асосида ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштиради.

**“ИККИ ҚИСМЛИ КУНДАЛИК” ТЕХНОЛОГИЯСИ**- бу педагогик технология бўлиб, ёзма нутқни ривожлантиради. Бу услуб ўқиб чиқилган мавзу бўйича тушунчаларни шахсий тажриба билан боғлашга имкон беради.

*Мақсад:* ўрганилаётган мавзуга қизиқиш уйғотиш, ёзма нутқни ривожлантириш.

*Ўтказиш босқичлари:*

1-босқич. Ўқувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган матн ўқиш учун таклиф этилади.

2-босқич. Ҳамма матн билан танишганига ишонч ҳосил қилиб, дафтарни вертикал чизик билан иккига бўлиш сўралади.

3-босқич. Ўқувчиларга, дафтарни чап томонига муаллиф цитаталар (ғоялари, фикрлари)ни ёққанларини (ёки ёкмаганларини) ёзишлари айтилади.

4-босқич. Ўнг томонга ўқувчи мазкур цитатага берилган ўзини изоҳини ёзади, яъни ўқилган матн ҳақидаги тушунчасини умумлаштириб беради.

5-босқич. Топшириқни шу қисми тугагандан кейин ўқувчиларга (ўз хоҳишига кўра) биттадан цитаталарни ва уларга ёзилган изоҳни ўқиш таклиф этилади. Цитата ва уларнинг изоҳи ўқилаётганда савол бериш ёки мазкур цитатага ўз изоҳини беришга рухсат этилади.

6-босқич. Ўқувчилар шерик (учликлар ёки кичик гуруҳлар) бўлиб ҳам ишлашлари мумкин.

**Намуна:**

Адабиёт дарси 5-синф ўқув дастурида берилган Ойбекнинг «Ўзбекистон» шеърини ўқишда “Икки қисмли кундалик” технологияси асосида шеърнинг моҳиятини оддий йўллар билан ўқувчига етказиши мумкин.

*Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,  
Бир ўлкаки, қишларида шивилар баҳор  
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...  
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.*

Юқорида келтирилган босқичлар асосида иш юритилади, ўқувчилар 2 босқичга кўра, дафтарларини вертикал чизик билан иккига бўлиб, 3 босқичга кўра чап томонига муаллиф ғоялари-тупроғида олтин гуллайди, қишларда шивилар баҳор каби сўзларни ёзишлари айтилади. 4-босқичга кўра, ўнг томонга ўқувчи мазкур сўзлар изоҳини ёзади, яъни ўқилган шеър ҳақидаги фикрларини умумлаштириб айтади. Бунда ўқувчилар гуруҳ бўлиб ишлашлари ҳам мумкин.

Ўқувчиларнинг фаолияти ўқитувчининг диққат марказида бўлиши керак. Чунки ўқувчининг фикрлаш олами ва ватанини билиш, ўзлигини кашф этиш борасида ўзларича фикр юритадилар, таҳлил қиладилар, муносабат билдирадилар. Бу жараёнда ўқувчининг иш куроли дарслик саналади. Шеър мазмунини яхши тушунган ўқувчилар шеърни осон ёдлашга эришади.

**“ЗИНАМА-ЗИНА” ТЕХНОЛОГИЯСИ**- бу технологияни ўтказиш учун ўқитувчи ўқувчиларга рангли карточкалар ёрдамида тенг сонли кичик гуруҳларга ажратади.

Ҳар бир кичик гуруҳ учун сардорлар тайёрланади. Сардорлар мавзу саволларини олиб, ўқувчиларга бирма-бир бериб боради.

Агар гуруҳ 6 та ўқувчидан ташкил топган бўлса, ҳар бир ўқувчи саволга жавоб бериши лозим. Саволлар гуруҳ сардорлари томонидан ўқувчиларнинг жавобларини назорат қилинади.

Ўқувчилар ҳар бир тўғри жавоб учун бир баллдан тўплаб жами 5 баллгача балл тўплаши мумкин. Шундан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларнинг тўплаган балига қараб қайта гуруҳлайди. Ҳар бир гуруҳ ўзларининг иқтидорига қараб турли хилдаги топшириқларни беради. Ўқувчилар бу топшириқларни бажариб бўлгандан сўнг, ўзаро савол жавоб ўтказадилар ҳар бир гуруҳ ўз топшириқларини кўргазмалар қуроллар асосида баён этади. Топшириқни мукаммал бажарган кичик гуруҳларда ғолиблар аниқланади ва рағбатлантирилади.

**“БУМЕРАНГ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**-бу технология ўқувчи (ёки ўқувчи)ларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни баҳолай олишга қаратилган.

**Мақсад**-ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни ўқувчилар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда ўқув жараёни мобайнида ҳар бир ўқувчи томонидан ўз баҳо (балл) ларини эгаллашга имконият яратишдан иборатдир.

**Технологиянинг қўлланиши**- амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда яқка тартибда, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланиши мумкин.

**Машғулотда фойдаланиладиган воситалар.** Ўқувчи дарс жараёнида мустақил ўқишлари, ўрганишлари ва ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суратлар, маълумотлар).

#### **Машғулотни ўтказиш тартиби:**

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

- ўқувчилар кичик гуруҳларга ажратилади;
- ўқувчилар дарс (машғулот)нинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;
- ўқувчиларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;
- берилган матнлар ўқувчилар томонидан яқка тартибда мустақил ўрганилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади;
- янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларишга эришадилар;
- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиладилар;
- янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар;
- дарснинг қолган жараёнида ўқувчилар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчиси” тайинланади;
- ўқувчилар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи ўқувчиларга саволлар билан мурожаат этадилар, оғзаки сўров ўтказадилар;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади;
- гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади (“гуруҳ ҳисобчилари” берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар);

- гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси асосида ғолиб гуруҳ аниқланади.

### **Намуна:**

**Адабиёт фанининг 6-синф (26-27-дарс) дастурида берилган Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим”** қасидасини ўқишда “Бумеранг” технологиясидан қўйидагича фойданиш мумкин. “Бумеранг” технологиясини қўллашдан мақсад шуки, ўқувчилар бевосита шеърини мисралардаги ғояларни сўзларда баён этишга, бир-бирларининг фикрига танқидий муносабатда бўлишга, аниқ, маъноли сўзларни ёзиш учун ижодий ёндоқишга, ўзларининг билимини баҳолашга эришилади, шунингдек, мавзунинг моҳиятини тўлароқ англаши учун замин яратилади. Бу технологияни қўллаш тартиби қўйидагича ташкил этилади.

Гуруҳ аъзоларига иш тартибини, вақтни тушунтириши билан ўз столларидаги А. Навоий, Беруний, Ғаробий, Машраб, Улуғбек, Хоразмий каби буюк алломалар (Тарқатма материаллардан намуна: Ғаробий ўз замонаси илмларнинг барча соҳасига ката ҳисса қўшганлиги, Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-Муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” “Шарқ Арастузи” деб юритилган. Ғаробий туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Ғароб – Ўтрор деган жойда туғилган. Ғаробий бошланғич маълумотни она юрти, сўнг Тошкент (Шош), Бухоро, Самарқандда ўқиди. У 160 дан ортиқ асар яратган. Буюк ватандошимиз Абу Наср Ғаробийнинг ижтимоий- сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, фикршунослик, этика, педагогикага доир асарлари, “Бахт саодатга эришув йўллари” (“Рисола фи-т танбех ола асбоб ас- саодат”), “Шаҳарни бошқариш” (“Ас – сиёсат ан – мадания”), “Уруш ват инч турмуш ҳақида китоб” (“Китоб фитойи ва-л хуруб”), “Ғафилатли хулқлар” (“Асарат ал – Ғафилат”) шулар жумласидандир) ҳақида маълумотларни ўқиб чиқишади ва ҳар бир гуруҳ тенг бўлинишиб, янги гуруҳ ташкил этишади. Янги гуруҳлар иккинчи столдаги маълумотлар билан ҳам танишади ва ўзларининг билган маълумотлари асосида бир-бирларига сўзлаб беришади. Сўнгга янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар ва қасида ғоясидан келиб чиққан ҳолда, ўқиган, эшитганлари асосида 1-гуруҳ “Ўзбекистон алломалар юрти”, 2-гуруҳ “Адиб ижодиётига бир назар”, 3-гуруҳ “Қўй авжида узилмасин тор”, 4-гуруҳ “Шоир-у шеър-у шуур” мавзуларида ўз тақдиротларини яратишга киришадилар. Тақдирот гуруҳдаги ихтиёрий ўқувчи томонидан тингланади, умумий баҳоланади.

Ўқитувчи мавзунини мустаҳкамлаши босқичида “мунозара” усулидан фойдаланилиб, қасидада тилга олинган буюк алломалар ҳақида ўзаро суҳбатлашишлари мумкин.

Ўқитувчи адабиёт фани билан бошқа фанлар орасидаги алоқасига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Оғзаки сўров учун саволларни қўйидагича тузиш мумкин.

1. Берунийнинг илмий ишлари, асарлари ҳақида нима биласиз?
2. Ҳозирдаги юртимиздаги энг катта глобус қаерда сақланади?
3. Ғаробийнинг "Ғозил одамлар шаҳри" номли машҳур асарида халқ раҳбари қўйидаги 12 та ғафилат(соғлик, фаросатли, зеҳнли, пок ниятли, ҳақгўй бўлиши каби)га эга бўлиши тилга олинган. Шу ғафилатларнинг қайси бири ҳақида асосли фикр айта оласиз?
4. Улуғбек нечанчи йил Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинланган?
5. Сирдарё ва Амударёларнинг қадимий номларини биласизми?

Саволлар берилгач, гуруҳ аъзолари ўқиган билганлари асосида баҳслашадилар. Ўқитувчи савол-жавоб давомида яхши қатнашган ўқувчи қайси гуруҳдалигини кузатади ва унинг билимини баҳолайди. (Дарс ишланманинг тўлиқ шакли ҳам охириги саҳифаларда келтирилган )

## **“НУҚТАИ НАЗАРИНГ БЎЛСИН” УСУЛИ.**

*Мақсади:*

-ўқувчилар муайян муаммога ўз нуқтаи назарини асосли далиллаб, химоя қилишга ўрганадилар;

-ўқувчига муаммо муҳокамаси жараёнида ўз фикрини ўзгартириш имконини бериш;

-ўқитувчи барча ўқувчиларни мунозарага жалб этиш ва синфдаги ҳамма ўқувчилар ўртасида мунозара жонланишини юзага келтириши мумкин.

“Нуқтаи назаринг бўлсин” усули ўқувчилар ўртасида мунозара юзага келиши ва улар мунозара жараёнида ўз фикрларини ўз синфдошларидан уларнинг нуқтаи назарини ўзгартиришга ишонтирадиган ғояларни эшитиб ўзгартириш ёки аввалгисини мустаҳкамлаш имконини бериш мақсадида қўлланади. Ўқувчилар шунингдек, мактаб, минтақа, республика ва жумла инсоният учун характерли бўлган энг долзарб муаммолар ўз нуқтаи назарларини асосли далиллаш ва химоя қилишга ўрганадилар.

Ўқувчи очикдан-очик саволлар усули билан одатда дарс жараёнида фаол бўлмаган ўқувчиларни мунозарада иштирок этишга мажбур қилади.

*Машқни ўтказиш услубияти*

1. Тайёргарлик: ўқитувчи синфнинг тўрт бурчагига ёки синфнинг маълум очик маконига тўртта табличка осиб қўяди.

2. Синф ўлчам ёки ўқувчилар сонига боғлиқ ҳолда олти ёки саккиз қўнгиллини чакиради. Борди-ю, ўйинда синф ўқувчиларнинг бир қисми иштирок этса, унда қолганлари ўз жойларида ўтираверадилар.

3. Ўйин пайтида банд бўлиши учун иштирок этмаётган ўқувчиларга ҳам топширик бериш зарур.

Ўйиннинг ўзини бошлашдан аввал ўқитувчи дарсга йўл-йўриқлар бериши зарур, жумладан:

1. Такидлов ўқиб берилганидан кейин ўз фикрингизга мувофиқ табличкалар ёнидан жой эгалланг.

2. Ўз нуқтаи назарингизни асосли далиллаб беришга шай туринг.

3. Агар муаммога нуқтаи назарингизни ўзгартиришга ундовчи асосли далилни эшитсангиз, ўз ўрнингизни алмаштиришингиз мумкин.

4. Синфдошларингиз такидларига ўз фикрингизни баён этишга шай туринг.

5. Ўқитувчи ўйинда иштирок этмаётган ўқувчиларга топшириқлар беради, масалан:

- уларнинг фикрича энг аҳамиятли таъкидловларни ёзиб бориш;

-ўйин жараёнида ўз ўрнини ўзгартирмаган ўқувчиларни ёзиб бориш;

-энг асосли далиллаб берилган жавобларни ёзиб бориш.

**Намуна:**

**Адабиёт фани 6-синф (62-64-дарс) дастурида берилган Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” асари ғоясини тушунтиришда “Нуқтаи назаринг бўлсин” усулидан фойдаланиб дарсни ташкил этиш мумкин.**

“Нуқтаи назаринг бўлсин” усулининг мақсади шуки, ўқувчини бевосита адибнинг ижодий ишлари, маънавий меросимизга қўшган улкан ҳиссалари тўғрисида (адибнинг ўзидан, ёру-дўстлари томонидан баён этилган) видео- лавҳаларда кўсатиш, асардаги сўзларни ўқувчи томонидан ўқитилмай, балки асар қаҳрамонлари томонидан видео-лавҳалар орқали етказишни таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, инсон маълумотнинг кўп қисмини кўриш ва эшитиш органлари орқали қабул қилади. Бу технологиялар орқали дарсни ташкил этиш ўқувчиларни бир вақтда кўрганлари асосида ишлашга, бу улардаги тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради.

Ўқитувчи тайёрланган бу лавҳаларни кўрсатиш билангина мақсадга эришмайди, уни изоҳлаши, тўлдириб бориши, ўқувчиларни жалб қила олиши, танқидий-мушоҳадали фикрларини эшитиши, изоҳлаб, хулосалаб бориши лозим.

*Тайёрланган видео лавҳада “Юлдузлар мангу ёнади” асар қаҳрамонларининг кураш жараёни тасвирга олиниб, (асар матни бўйича) уларнинг овозлари ҳам ёзилган тасвир кўрсатилади.*

Тасвирда Бўри полвон Исмоил полвон билан кураш тушади, курашда ғолиб бўлган Бўри полвонга қарата, муаллиф “Ёшлик-ёшлигини, кўпни кўрганлик-кўпни кўрганлигини қилди, тажриба, тажриба- ғалаба қозонди”- дейди.

Савол – Бўри полвон қандай ғалаба қозонди, “Ёшлик-ёшлигини, кўпни кўрганлик-кўпни кўрганлигини қилди, тажриба, тажриба- ғалаба қозонди” сўзини ким қандай изоҳлайди?

“Нуктаи назаринг бўлсин” усули орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг кураш жараёнини баҳолай олиши, курашда ғолиб бўлиш йўллари топиши, савол юзасидан ҳар ким ўзининг мустақил (ўрнида танқидий) фикрини билдиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ўқитувчи фикрларни умумлаштиради, хулосалайди, берилган саволларнинг жавобини ўқувчининг билдирган фикрларида эканлигини таъкидлайди, баҳолайди.

**“МАЪРУЗА” УСУЛИ**-мавзуни таълим берувчи томонидан “монолог” сифатида баён этишдир.

*Мавзунинг ўзлаштирилишини яхшиловчи омиллар:*

- мавзуни содда тилда баён қилиш;
- фикрларни қисқа ва аниқ ифодалаш;
- равон тилда, яхши талаффуз билан гапириш;
- маъруза қисмларининг тузилиши ва мантикий боғлиқлигини таъминлаш;
- мавзу қисмларига алоҳида эътибор бериш.

*Мавзуни содда тилда баён этиш:*

Мавзуни содда тилда баён этиш -уни таълим олувчиларга тушунарли тарзда етказишдир;

*Унга қўйидагилар ёрдамида эришилади.*

- қисқа ва содда тузилишга эга гаплардан фойдаланиш;
- оддий сўзларни ишлатиш;
- атамалар маъносини тушунтириб бериш;
- хорижий тиллардан кирган атамалардан иложи борица фойдаланмаслик;
- фаол феълларни ишлатиш;
- фикрларни кўргазмали баён қилиш;
- Фикрларни қисқа ва аниқ ифодалаш:*
- бутунлай ўқув мақсадига қаратилган;
- асосий мазмунга қаратилган;
- тўғри ифодалардан ташкил топган;
- муҳим ва керакли изоҳлар билан таъминланган бўлмоғи керак.

*Равон тилда, яхши талаффуз билан гапириш:*

- таълим олувчилар учун эшитиларли баландликда;
- сўзларни аниқ талаффуз қилиш;
- керакли гапларга ва сўзларга урғу бериб, гапириш билан эришилади.

*Маъруза қисмларини тузишда қўйидагиларга эътибор берилади:*

- мавзу билан таништириш;
- мавзуни асослаш(аҳамиятини тушунтириш);
- маърузани мантикий боғлиқлик асосида олиб бориш;
- маърузани якунлаш.

*Маърузани мантикий боғлиқлигини таъминлашга:*

- маълумотларни мантикий кетма-кетликда бериш;
- маъруза қисмлари орасида ўзаро алоқалар бўлишини таъминлаш;
- бир фикрдан бошқасига сакраб ўтмаслик асосий ва асосий бўлмаган маълумотларни фарқлаш орқали эришилади.

### **Намуна:**

Ўқитувчи дарсларда ахборот коммуникацион технологияларни фойдаланишда “Маъруза” усули орқали дарсни қуйидагича ташкил этиши мумкин. Ўқитувчи аввало ўқувчиларга информатика ўқитувчиси билан бирга тушунтириш ишларини олиб боради, яъни ўқувчининг қандай ўз блогини яратиши, ўз блогдан қандай фойдаланиши тушунтирилади. Фаннинг бўлими, чорак охирида тақдирот қилиниши белгиланиб, дастурдаги мавзулар ўқувчилар ихтиёрига қараб тақсимланади. Ўқувчилар мавзу танлаб, шу мавзу бўйича маъруза асосида ўз блогини яратади. Бунда ўқувчилар бир-бириникини ўқиши ҳамда дарсдан ташқари ҳам интернетдан фойдаланиб ўз блогини бойитиб бориши мумкин. Бундан кўзланган мақсад шуки, ўқувчилар дарс мавзусини ёритишга бевосита ўзларини жалб қилиш ва блог матни учун ҳаётий мисолларни, мазмунли маълумотларни қидириб топишини юклайди. Ҳар бир ўқувчининг маърузаси қайси мавзуда бўлишидан қатъий назар ўқитувчи томонидан алоҳида кўриб чиқилиши ва баҳоланиши лозим.

**“АҚЛИЙ ХУЖУМ” УСУЛИ** - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган усулдир. “Ақлий ҳужум” усулининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” усулининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу усул тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” усулидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади. Шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу усул таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади. “Ақлий ҳужум” усули таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу усул дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда -янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

### **“Ақлий ҳужум” усулини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.  
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Муаммоли савол берилади

Фикр ва ғоялар эшитилади ва жамлаб борилади

Фикр ва ғоялар гуруҳланади

Аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади

*“Ақлий ҳужум” усулининг босқичлари қуйидагилардан иборат.*

- 1.Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришлари сўралади;
- 2.Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
- 3.Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонда, видеотасмада, рангли қоғозларда ёки доскада) тўпланади;
- 4.Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
- 5.Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### НАМУНА:

Адабиёт 8-синф (48-49-дарс) дастурида берилган Озод Шарафиддиновнинг “Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан” мақоласи мавзусини ўтишда “Ақлий ҳужум” усулидан фойдаланиб, қуйидаги сўзлар асосида ўқувчиларнинг янги мавзу юзасидан фикрларини умумлаштириш мумкин.

Ўқитувчи мавзунини тушунтириб бўлганидан сўнг, ушбу парчани ўқувчиларга ўқитади.

Мақолада муаллиф, *“Адибнинг эски жўвадаги кўримсиз, торгина, кичик залда эшитган Уйғун қаламига мансуб,*

*Ватан – она сўзи нақадар лазиз,  
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар азиз,  
Ҳикматингни сақлар ҳар бир ўғил-қиз,  
Муқаддас, мўътабар, улуг Ватаним,  
Ўлсам айрилмасман, кучоқларингдан.*

*ушбу шеър ҳақида, ҳаяжон билан қуйидагича: “...шеър мисралари айниқса, ҳар бир банд охирида такрорланаётган “Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан” деган ибора гўё юрагимда тугилиб, ичимдан жўшиб чиқаётгандек, учта оддий сўздан таркиб топган бу оташин хитоб шеър эмас, бутун умр амал қиладиган тантанавор қасамдай жарангларди.*

*Кейин чиндан шундай бўлди....” –деб ёзган.*

Қуйидаги матнни ўқитувчининг ўзи ўқиб беради.

*Илова:*

*“Жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп. Лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз якка-ю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. (И. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида.)*

Савол: Хўш, муаллиф нега “Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан” деган, сизнинг фикрингизча кучоғи нима экан.

Ўқувчилар икки матн билан танишиб бўлгач, яхшигина тортишиб фикрлашадилар, бир вақтнинг ўзида мақола матни билан бирга унга боғлиқ юртимиз сарҳадлари, буюк қадамжолари ҳақида ўқувчиларни мавзу ичига чуқурроқ олиб киришни назарда тутади.

Бу усуlining танланишидан мақсад шуки, ўқувчилар орасида дўстона муҳитни вужудга келтириш, она Ватанни севиш ва унинг тупроғини эъзозлаш, табиатга ва атрофимиздаги ҳар бир мавжудотга нисбатан меҳр туйғуларини уйғотишдан иборатдир.

**АРРА УСУЛИ-** Ушбу усул 1978 йилда Э.Аронсон томонидан ишлаб чиқилган. Педагогик амалиётда мазкур усулда кичик гуруҳлар 6-8 нафар ўқувчидан ташкил топади.

Методнинг мақсади шуки, кичик гуҳда ишлаши билан бирга жамоа ва кичик гуруҳлар фаолияти узвий олиб борилади, барча ўқувчилар тўлиқ жалб этилади, ўйлаган фикрларини ёзмада баён этиш кўникмаларини ривожлантиради.

Дарс давомида ўрганиладиган мавзу(ёзилган матн) мантиқан тугалланган қисмларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан ўқувчилар бажарилиши лозим бўлган ўқув

топшириқлари тузилади. Ҳар бир ўқувчилар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича «мутахассис»га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) «мутахассис» бўлиши шарт, мазкур «мутахассис»лар ўзлари эгаллаган билимларни худди «арра» тишлари кетма-кет келганидек навбат билан ўртоқларига баён қилишади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантикий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

1986 йили Р.Славин “Арра” усулини қисман ўзгартириб, “Арра-2” усулини яратди. Мазкур усулга кўра кичик гуруҳ 4-5 ўқувчидан ташкил топади. Барча гуруҳ аъзолари ўқув материали юзасидан тузилган ягона топшириқ устида ишлайди. Гуруҳ ичида ўқувчилар топшириқларни қисмларга ажратиб, бўлиб оладилар. Ҳар бир ўқувчи ўзига тегишли қисмини пухта ўзлаштириб «мутахассис»га айланади. Дарс охирида ҳар бир кичик гуруҳдаги «мутахассис»лар учрашуви қайта ташкил этилган гуруҳларда ўтказилади.

Ўқувчилар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат қилинади ва баҳоланади. Гуруҳ аъзоларининг баллари жамланади, энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб саналади.

### **Намуна:**

**Адабиёт фанидан 9 синф (2-5-дарс) дастурида берилган “Алпомиш”** достонини (2-соатини) ўқишда “Арра” усулидан фойдаланиб, ўқувчилардаги эгаллаётган билимларини текшириш мумкин.

Шартнинг қондасига кўра, бугун дарсдаги ўзлаштирган билими ва ойнаи жаҳонда кўрган-билганлари асосида асар қаҳрамони тилидан такрорланмаган фикрлар ёзилади.

Ўқитувчи “Болалик даврим”, “Халқим менинг бахтим”, “Бойсари дерлар менинг отимни” мавзулари ёзилган варақни гуруҳ аъзоларига тарқатади. Варақлар гуруҳларда ва жамоа кўлидан ўтади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси қаҳрамон тилидан тез фурсатда маъноли мутахассис сифатида ниманидир ёзиши керак. Мисол учун, Ҳакимижоннинг болалик даври тўғрисида ўқувчилар-“Алпинбий бобомдан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйни кўтардим”-сўзларини ёзиши мумкин. Ўқитувчи бунинг натижасини ўқувчиларнинг ўзлари билан биргаликда умумлаштиради, хато сўзларни тўғирлаши асосида ягона варианти ишлаб чиқилади.

**“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” УСУЛИ-** бу таълим оловчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий ишни ривожлантиришдир.

Ушбу усул қўлланилганда таълим оловчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш имконига, бошловчи ролида бўлиш, бир-биридан ўрганиш ва турли фикрларни қадрлаш имконига эга бўлади. “Кичик гуруҳларда ишлаш” усули қўлланилганда бошқа интерфаол усулларга қараганда вақтни тежаш имконияти мавжуд бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим оловчиларни мавзуга жалб этади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” усулининг босқичси келтирилган.

*“Кичик гуруҳларда ишлаш” усулининг босқичлари:*

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим оловчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдирот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

**Намуна:**

**А.Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асари ўтишда машғулотнинг бориши:**

1-қadam: Ўқувчилар 1-4 гача бўлган рақамлар асосида «Кичик гуруҳлар»га бўлинадилар (1-2-3-4)

2-қadam: Гуруҳлар мавзу доирасида ўз гуруҳларига ном танлаб, изоҳ берадилар.

3-қadam: Ҳар бир гуруҳга саволлар берилади:

1-гуруҳ учун: А.Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беринг.

2-гуруҳ учун: “Фарҳод ва Ширин” достонининг мазмун-моҳияти ҳақида фикрларингизни умумлаштиринг.

3-гуруҳ учун: “Фарҳод ва Ширин” достонидаги қаҳрамонларга муносабат билдиринг.

4-гуруҳ учун: “Фарҳод ва Ширин” достони нинг тарбиявий аҳамияти: Асар сизга қандай тассурот қолдирди? Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4-қadam: Ўқитувчи томонидан аниқ регламент, интизом, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, қисқа ва аниқлик бўйича кўрсатмалар берилади.


5-қadam: Кичик гуруҳлар ўз ишларини «**Тақдимот**» қиладилар.

6-қadam: Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7-қadam: Кичик гуруҳлар иши баҳоланади.

Бу метод орқали ўзлаштириш яхшиланади, барча ўқувчилар машғулотга жалб этилади, мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашига олиб келади, вақт тежалади, ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

#### **“ДАВРА СУХБАТИ” усули.**



"Давра суҳбати" усули - айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш усулидир. "Давра суҳбати" усули қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан "кўз алоқаси"ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди. Таълим олувчилар эса ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди. Агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

**Белгилари:**

1-таълим олувчилар

2-айлана стол

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва "Жавоб варақаси"нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги

таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини "Жавоблар варақаси"нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

*"Давра суҳбати" усулининг босқичлари:*

1. Машғуллот мавзуси эълон қилинади.
  2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғуллотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
  3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда нечта таълим олувчи бўлса, шунчадан "Жавоблар варақалари"ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва "Жавоблар варақалари"га ўз исми-шарифини ёзади.
  4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва "Жавоблар варақаси"га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
  5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
  6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга "Жавоблар варақалари"дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди, ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
  7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги "Жавоблар варақалари"ни баҳолайди.
  8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.
- Ушбу усул орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу усул орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

#### **Намуна:**

**Адабиёт фанининг 5-синф дастрида берилган Ханс Христиан Андерсен. "Булбул"** ҳикоясини ўқишда мустақкамлаш қисмида ўқувчиларда асли сохтадан ажратишни ўргатиш, мавзу моҳиятини тўлақонли тушунтириш маъносига "Жонли булбул ҳар гал ўзича куйлар, сунъий булбул эса ... фақат бир йўсинда қўшиқ айтар эди", – деган сўзнинг маъносига ўқувчилар эътиборини қаратади. Ўқитувчи "давра суҳбати" усули оғзаки сўраш орқали ўқувчининг фикрларини умумлаштириш мумкин. Ёки, юқорда таъкидланган ўтказиш босқичидан фойдаланиб, кетма-кетликда "жавоблар варақаси" асосида ташкил этилиши мумкин.

Ўқувчилар бунда табиий билан сунъий булбул асосида ҳаётдаги чин билан сохтанинг фарқига боришни ўрганадилар.

**"МУАММОЛИ ВАЗИЯТ" УСУЛИ** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш, ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича қўникмаларини шакллантиришга қаратилган усулдир.

"Муаммоли вазият" усули учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши зарур. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмаслик, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» усули қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

*“Муаммоли вазият” усулининг босқичлари:*

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда муаммонинг оқибатлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама ва таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқади.
7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўллари энг мақбул вариантларини танлаб олади.

**Намуна:**

Ўқитувчи А.Қаҳҳорнинг 7-синфдаги “Ўғри” ҳикоясини ўтишда экран орқали “Қобил бобога Амин нега ёрдам бермади?” - деган муаммоли савол асосида муаммоли вазият вужудга келтирилади, мавзунинг мазмунини тўлиқроқ ўзлаштиришга эришади. Ўқувчилар асардаги Қобил бобонинг ишонувчанлиги, кўнгли бўшлиги, соддалиги, Элликбоши Приставга хабар бермаганлиги тўғрисидаги жавобларни айтишади, жадвални тўлдиришади.

Топшириқни гуруҳ аъзолари қуйидагича бажарадилар:

| “Оқловчи”                                                                 | “Қораловчи”                                        |
|---------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------|
| Қобил бобо оиласининг тирикчилиги шу биргина ҳўкиз орқасидан ўтиб турарди | Қобил бобо ўта ишонувчан, мустақил фикрга эга эмас |
|                                                                           |                                                    |

Гуруҳлар орасидан битта суд ижрочиси тайинланади. Суд ижрочиси охирида гуруҳларнинг ёзганларини хулосалайди ва ўқитувчиси билан биргаликда ҳукм чиқариб, тақдимотга олиб чиқади.

Суд ижрочиси ўз сўзини исботлаш учун гувоҳларни чақиради ва гувоҳликка чиққан ўқувчилар ўз ёзганларини исботлашга ҳаракат қиладилар, суд ижрочиси ўз асосларини баён қилади.

Ўқитувчи барча ўқувчининг жавобини умумлаштириш жараёнида қуйидагиларга эътиборини қаратиши лозим:

1. Муаммоли саволга аниқ жавоб топишга ундаш.
2. Муаммога алоқаси бор деб ўйлаган барча фикрларга эътибор қаратиш.
3. Кўрган, эшитган, ўқиганлари асосида мустақил фикрларини айтиш, ўз билимларини баҳолай олишга шароит яратиш.
4. Ҳар бир гуруҳ аъзоларининг мустақил фикрларини қисқа, лўнда, тиниқ, аниқ қилиб ифодалашларига кўмаклашиш.
5. Ўртоғининг ўзидан яхши фикрлашини сидқидилдан тан олишга, уларга хавас қилишга, уларни паст даражада фикрлаётганлигини тан олишга йўналтириш.
6. Ўртоғининг ижобий жавобларини ўзлаштиришга ҳаракат қилиш.
7. Дарсликдан унумли фойдаланишни билиш.

Ўқитувчи умумлаштириш жараёнида аниқ асосли жавоб аниқланади, яхши иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади, баҳоланади.

Мазкур ўйиндан мақсад-ўқувчиларга мавзу мазмунини чуқур етказиш билан бирга ҳаётда учрайдиган ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши одилона кураша билишни ўргатишдан иборатдир.

#### **4. РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ЎҚИТУВЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Ривожлантирувчи таълим технологиялари ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таълим жараёнининг усулик ишланмасидан фарқли равишда, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчиларга қаратилади, шунингдек, уларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материални ўзлаштиришга шароит яратади. Фақат бу технология турини танлаш дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни назарда тутилганига боғлиқдир.

Бунда мотив (истак, майл, қизиқиш), мотивация – (сезиш, акс этиш, истак, хоҳиш ҳосил қилиш, ўз олдига қўйган мақсадни ифодалайди) ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таълим-тарбия жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи ва ўқувчилар бўлиб, бутун машғулот давомида ўқувчиларнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб бориш мақсадини кўзда тутаяди, ўқув омиллари яратишга асосланган инновацион технология ўқувчиларни ўзлаштириш фаолиятига тезкор жалб қилиш имконини беради. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, эришилган ютуқлардан завқланиш, ўқув фаолиятига масъулиятли ёндашиш ҳамда ўзаро ҳамкорликда ижодий фаолиятни йўлга қўйишга ундаши керак.

Бунда ўқитувчи дарсни тўғри ташкил этиб, таълимнинг хилма-хил усуллари кўллаш, ўқув ишларида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, уларда эзгу фазилатларни таркиб топтиришга эришилади. Яъни, ўқувчини билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу ҳаракатларини аста-секин кўникмага айлантириб бориш мақсадида, ташаббускорлик, қатъийлик, ҳар қандай қийинчиликларни енга билиш, ижодий фазилатларни шакллантириш, соғлом фикрлаш, ўз эътиқоди, ғурури, бурчини англаш, мушоҳада қилишга ўргатиш, унга шу каби характерга хос ижобий хислатларни таркиб топтириш асосида тарбиялайди. Зеро, тизимдаги ютуқларнинг асоси–мактабларда ташкил этиладиган дарс жараёнининг сифати билан белгиланади. Ўқув соатларида ўқувчиларга етарли билим бериш, ҳаётий кўникмаларни ошириш ва малакаларни шакллантириш, ижодий ва дўстона муҳитни ярата олиш ўқитувчининг касбий маҳоратига боғлиқ.

Ўқитувчи инновацион технологиядан фойдаланишда –ўқитувчи касбий маҳоратини таъминлашнинг воситаси сифатида қуйидагича ёндошмоғи лозим:

-ўқитувчи давлат таълим стандартига мос келадиган таълим – тарбия мақсадини аниқ ва равшан белгилаши керакки, натижада маълум вақт ичида унга эришишни таъминлайдиган ижобий натижа тўғрисида хулоса қилсин;

-ўқитувчи педагогик тизимда белгиланган мақсадга тўғри келадиган ўқув – тарбиявий жараён мазмунини ўқув дастури бўйича чуқур эгаллаши, мунтазам равишда ўз педагогик маҳоратини илмий – техникавий тараққиёт талабларига мос ҳолда иш юритсин;

-ўқитувчи педагогик тизимнинг таркибий элементи сифатида дидактик жараёни амалга ошириш талаблари билан таниш бўлсин;

-ўқитувчи дидактик жараёни амалга оширишда ўқитишнинг самарали шакллари билан фойдалана олиши керак. Ўқитишнинг ташкилий шакллари тўғри танланиши педагогик тизим элементларининг маълум қонуният асосида бир – бирлари билан боғлиқ ҳолда таъминласин;

-шунингдек, ўқитувчи педагогик тизимнинг иштирокчиси бўлган ўқувчининг таълим мазмуни ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллар ёрдамида доимо назорат қилиб бориш каби ишларни олиб боради.

Бу тўғрида маълумотга эга ўқитувчилар- таълим тизимини мақсадга мувофиқ тарзда бошқариш имкониятини беради.

Ўқитувчи технологияларни шундай қўллай олиши керакки, ўқувчилар маълумотларни қайта таҳлил қила олсин. Ўқувчи ўзлаштирган билимининг ахборот сифатида тўпласа, ахборотларни танласа ва қайта ишласа, ҳаёти давомида ахборотларни қўлласа, билишнинг учта босқичига риоя қилсагина билим кўникма ва малакага айланади.

#### **Таълим жараёнида ўқитувчи:**

- оддий ўқувчини “мутоала” қиладиган;
- мутоала қиладиган ўқувчини “тушунадиган”;
- тушунадиган ўқувчини “таҳлил қиладиган”;
- таҳлил қиладиган ўқувчини “хулоса чиқарадиган” ўқувчига - айлантириши керак;

Таълим жараёнининг самарадорлиги ўқитувчининг узатган билимлари кўлами билан эмас, ўқувчиларнинг қабул қилган, ўзлаштирган билим, малака ва кўникмаларининг кўлами билан ўлчанади.

#### **Ўқитувчининг тайёргарлик даражаси.**

1. Ўқувчилар шахсини уларнинг ривожланиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда гуруҳларга ажратиш.

2. Кўп қиррали таълим жараёнига дидактик материалларни тайёрлаш. Тайёрланган кўргазмаларнинг ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишларига ёрдам бериш ва дарс мавзусини ўзлаштиришдаги ўрни.

3. Ўқувчилар гуруҳининг мустақил ижодий фаолиятига тайёргарлик даражаси.

4. Ўқитувчининг ўқув гуруҳларига алоқаси ва маъсуляти.

5. Гуруҳдаги ҳар бир ўқувчининг самарадорлигига қўшган ҳиссаси.

6. Ўқувчиларнинг ўқитувчи билан ахлоқий ва эстетик муносабати.

7. Ўқитувчининг ўқувчи гуруҳи ютуқларига муносабати.

8. Гуруҳлар билан ишлашда ўқувчи билан мулоқатда бўлиш.

9. Ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаолиятини назорат қилиши ва баҳолаши (мавзунинг ҳаммаси сўраш, қисман сўраш, маълумотлар тарзида сўраш, алгаритимдан фойдаланиш, муаммони ҳал қилиш, ижодий топшириқларни бажариш).

10. дарсни якунлаш ва гуруҳ ўқувчилари ҳамда якка тартибда қатнашишни таҳлил қилиш.

## **5. МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг асосий бўғини муаммоли таълим йўналиши саналади.

Муаммоли ўқитишни чуқур ўрганиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган бўлиб, унинг асосида “Тафаккур- муаммоли вазиятдан бошланади”-деган ғоя ётади.

Фикрлаш психологияси нуқтаи назаридан муаммоли ўқитиш ғояси ва тамойиллари С.Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, В.Оконь, И.Я.Лернер томонидан ишлаб чиқилган.

Муаммоли таълим тури илмий-услубий жиҳатдан 3 хил кўринишга эга.

1. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш.

2. Муаммонинг қўйилиши.

3. Муаммонинг ечимини топиш.

Муаммоли вазиятни ўқув машғулотларининг барчасида шакллантириш мумкин. Уни дарс жараёнида қанча кўп шакллантириш ўқитувчига боғлиқ. Муаммоли вазиятнинг аҳамияти шундаки, у ўқувчилар диққатини бир жойга (муаммога) қаратади ва ўқувчиларнинг изланишига, фикрлашга ўргатади.

Муаммоли таълим ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчиларнинг фаол, мустақил фаолияти натижасида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва ақлий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этишни назарда тутди.

Муаммоли ўқитиш жараёнида бериладиган топшириқлар Муаммоли ўқитиш жараёнида ўқувчиларга

тадқиқий,

эвристик,

муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш бўйича топшириқлар берилади.

Бунда:

- ностандарт масалаларни тузиш бўйича;
- шакллантирилмаган савол билан;
- ортиқча маълумотлар билан;
- ўзининг амалий кузатувлари асосида мустақил умумлаштириш;
- йўриқномалардан фойдаланмасдан қандайдир объект моҳиятини баён этиш;
- олинган натижаларни қўллаш чегараларини ва даражаларини аниқлаш;
- ҳодисанинг намоён бўлиш механизминини аниқлаш;
- «бир лаҳзада» топиш каби топшириқларни бериш мумкин.

Муаммоли вазиятларда ечимга келишнинг алгоритми қуйидаги тартибда амалга оширилади Муаммони қўйиш, маълумотлар фондиди тўплаш, қайта ишлаш, ечим моделини аниқлаш, қўшимча маълумотлар тўплаш ва уларни танланган ечим моделида акс эттириш, янги маълумотлар ва ечим модели ўртасидаги зидликни аниқлаш, зидликни ечимини топиш, янги ечим моделини яратишдан иборатдир.

## **6. МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА БЕРИЛАДИГАН ТОПШИРИҚЛАРДАН НАМУНАЛАР**

Бу каби технологияларни қўллашда, дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни назарда тутилганига боғлиқдир.

Ривожлантирувчи таълим технологияларининг муаммоли таълим йўналиши кенг қамровли бўлиб, ўқувчиларни ўйлашга, муҳим хулосалар чиқаришга қаратилган.

Дарс жараёнларида ўқитишнинг муаммоли топшириқлардан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиш- ўқувчиларнинг мустақил тадқиқотчилик фаолияти ошириш билан бирга ташаббускорлик туйғулари ортиб, ўқувчилар ўз-ўзини бошқаруви амалга ошади, яратувчанликка ундайди, яратувчанликни ўрганган бола бошқа ҳар қандай соҳага ҳеч қийинчиликларсиз эришади.

Маълумки, она тили фанининг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштиришда сўз, гап, унинг тузилиши ҳақида билим берса, адабиёт фани кўпроқ оғзаки баён қилиш, ифодали ўқиш, асар моҳиятини сўзлаш, ижодий иншолар ёзиш каби мақсадларни назарда тутди.

Муаммоли ўқитиш жараёнида бериладиган топшириқлар асосан ўқувчиларга тадқиқий, эвристик, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш бўйича топшириқлар берилади.

Бунда муаммоли таълим технологиясида кўрсатилгандек, :

- ностандарт масалаларни тузиш бўйича;
- шакллантирилмаган савол билан;
- ортиқча маълумотлар билан;
- “бир лаҳзада” топиш каби топшириқлар асосида она тили фанига мурожат қиламиз.

Она тили фанининг айрим мавзулар асосида муаммоли топшириқларнинг қўлланилиши ҳақида тўхталиб ўтсак:

## 1. Фонетика бўлими бўйича муаммоли топшириқлар

**1-топшириқ. п-б** товуш жуфтлари иштирокида сўзлар ясанг. Сўзнинг туб ва кўчма маъноларини шарҳланг.

Намуна:

- 1) парда-барда                      2) а) паст-туб сўз, (ўрин-жой пастда)  
    паст- баст                      б) бўй-баст, қомат, бўйи паст( паст-кўчма маънода пасткаш,

разил).

**2-топшириқ. т-д** товуш жуфтлари иштирокида сўзлар ясанг. Ушбу сўзлар ёрдамида жумла қуриш.

Намуна:

- 1) тош-дош  
    тоғ-доғ  
2) Мана бу ерга **тош** ётқизилади.

Шунча қийноғ-у азобларга **дош** бериб келган йигит, бу ёғига ҳам бардоши етар ....

**3-топшириқ.** Бир товуш ортириб, янги сўзлар ясанг.

Намуна:

*от-ота, отам, хотам, ихотам*

тор-торт, торти, тортиқ, .....

орт-орти, ортиқ, каби.

**4-топшириқ.** Бир товушни ўзгартириб, янги сўз ясанг. Сўзлар маъносини шарҳланг.

Намуна:

*тош-теш*, тиш, туш, тўш; *тўп-тўр*, тўс, тўл

тўз, тўй, тўк, тўқ; *дўқ-лўқ*; *лиқ-миқ*, жиқ,

зиқ, сиқ, тиқ в.х.

**5-топшириқ.** Берилган сўздан бир товуш камайтириб, янги сўз ясанг.

Намуна:

тошир-ошир, оши, ош.

ортиш-торти, торт, орт, от.

**6-топшириқ.** Бир товуш ўзгариб, қофиядош сўзлар ясанг.

Намуна: бўлади, тўлади, сўнади, қўнади, жўнади в.х.

**7-топшириқ. з-ш** товуш жуфтлари ёрдамида товушдош сўзлар ясанг. Уларга зид маъноли сўзлар топинг.

Намуна:

- 1) зил-сил                      2) зил-енгил, қиз-ўғил, қис-оч  
    зим-сим  
    зиқ-сиқ  
    қиз-қис

**8-топшириқ.** Қўш ундошли сўзларнинг гуруҳланг.

Намуна:

|       |        |       |
|-------|--------|-------|
| арра  | патта  | якка  |
| алла  | шартта | иссиқ |
| амма  | битта  | ясси  |
| марра | тўртта | масса |
| дарра | саккиз | ҳасса |

**9-топшириқ.** Ёзилиши ҳар хил, маъноси бир хил сўзлар рўйхатини тузинг.

Намуна:

арава-ароба  
каптар-кабутар  
аста-секин  
азоб-азият  
ғариб-мискин

**10-топшириқ.** Талаффузи ўхшаш, лекин маъносида фарқи бор сўзлар топинг.

Намуна:

|               |                  |
|---------------|------------------|
| рубоб-арбоб   | зулмат-зумрад    |
| чопон-чўпон   | кулдон-гулдон    |
| ҳиммат-қиммат | хижолат-тижорат  |
| тамбур-танбур | музей-муздай     |
| хамроҳ-гумроҳ | мурожаат-муножот |

**11-топшириқ.** Қўш ундош сўзларни гуруҳланг.

Таассуф, тоабод, манфаат, бадий, мурожаат, маориф, муомала, муаммо, Сурайё, Муҳайё, Муаззам.

**12-топшириқ.** Қўш ундош ва бир бўғинли сўзлар топинг. Кимки 2 дақиқада энг кўп сўз топса, ўйин ғолиби саналади.

Намуна:

|      |      |      |      |
|------|------|------|------|
| барг | қавм | ҳажм |      |
| шарқ | қавс | ҳажв |      |
| ғарқ | қарз | ҳазм |      |
| фарқ | қарс | жазм | в.ҳ. |

### Лексикология бўлими бўйича муаммоли топшириқлар

**1-топшириқ.** Тескари ўқилганда ҳам мазмуни ўзгармайдиган сўзлар топинг.

Намуна:

|     |       |      |
|-----|-------|------|
| боб | кийик | арра |
| дод | кўк   | амма |
| тит | кичик | ака  |
| нон | кучук | ана  |
| тот | қозоқ | алла |
| тут | колоқ | аза  |
| поп | қизик |      |
| шош | қилиқ |      |
|     | куруқ |      |

**2-топшириқ. –ий, -вий** сўз ясовчи қўшимчалари ёрдамида сўзлар ясанг, сўз бирикмалари ва гаплар тузинг.

Намуна:

1) илмий, руҳий, маънавий, мафкуравий, бадий, Фузулий, луғавий, ашёвий, ҳажвий, жисмоний, дунёвий, насрий, ақлий, кимёвий, ахлоқий самовий, насимий, лисоний, фазовий

- 2) дунёвий илмлар  
кимёвий моддалар  
ҳажвий ҳикоялар  
самовий жисмлар  
ашёвий далиллар

3) Суд раиси жиноят иши билан боғлиқ ашёвий далиллар билан танишиб чиқди.

**3-топшириқ.** Нутқлар ўрнига битта ҳарф қўйинг. Ҳосил бўлган сўзларга маънодош ва уядошлар танланг.

Намуна:

|          |       |       |      |
|----------|-------|-------|------|
| 1) ...ил | ...ул | ...ол |      |
| бил      | бул   | бол   |      |
| дил      | гул   | лол   |      |
| жил      | кул   | мол   |      |
| зил      | пул   | сол   |      |
| йил      | тул   | тол   |      |
| нил      | шул   | қол   |      |
| сил      | қул   | ҳол   | в.ҳ. |

2) **маънодошлари**

бил-ўрган  
дил-кўнгил  
жил-қўзғал  
зил-оғир  
бул-шул  
бол-асал ....

3) **уядошлари**

дўл-жала, ёмғир, сел, қор...  
мол-сигир, ҳўкиз, бука,  
новвос, бузоқ ....

**4-топшириқ. “Зинапоя” ўйини.**

Тик терилган сўзнинг ҳар бир ҳарфидан янги сўз ясанг, сўзлар кўриниши “зинапоя” шаклида бўлсин. Ҳосил қилинган сўзлар иштирокида бирикмалар ва гаплар тузинг.

Намуна:

|  |   |  |   |   |   |   |   |  |
|--|---|--|---|---|---|---|---|--|
|  | о |  |   |   |   |   |   |  |
|  |   |  | қ |   |   |   |   |  |
|  |   |  | с | и |   |   |   |  |
|  |   |  | х | о | б |   |   |  |
|  |   |  | о | х | з | о |   |  |
|  |   |  | б | о | г | ч | и |  |

**5-топшириқ.** Бир сўз танлаб у сўзнинг бош ҳарфидан ҳарф сонига тенг сўзлар топиш.

Намуна:

|          |          |          |          |          |  |
|----------|----------|----------|----------|----------|--|
| <b>а</b> | <b>б</b> | <b>д</b> | <b>г</b> | <b>ж</b> |  |
| алп      | базм     | давр     | ганч     | жабр     |  |
| авф      | баст     | дахл     | ганж     | жалб     |  |
| арк      | банк     | дард     | гард     | жазм     |  |
| асп      | банд     | даст     | гашт     | жан      |  |

|     |      |      |      |      |
|-----|------|------|------|------|
| азм | барқ | дашт | герб | жаҳд |
| авж | барғ | дафн | гипс | жаҳл |
| айб | бахт | даҳо | гирд | жилд |
| адл | бахс | донг | грек | жисм |
| акс | бахр | динг | граф | жипс |
| арз | берк |      | гурс | жуфт |

#### **6-топшириқ. “Пирамида” ўйини.**

Ихтиёрий сўзлар иштирокида янги сўз ясанг, биринчи сўзнинг бирор ҳарфи кейинги янги сўзларда иштирок эттириб, кетма-кетликда жойлаштиринг. Сўзлар кўриниши “Пирамида” шаклида бўлсин (ҳар сафар ўнг ва чап томонда орттирилади).

тот  
козоқ  
базмгоҳ

**7-топшириқ.** От сўзнинг барча маъноларини шарҳланг. Сўзнинг ҳар бир маъносига маънодош ва уядошлар топинг.

**От** – уй ҳайвони:

Жинси: айғир, байтал, бия.

Ёши: қулун, той, дўнан, ғунон, от.

Тури: саман, жайрон, ёрға, бедов, қорабайир, тулпор, қирчанғИ, чопқир,

**От** – исм, ном: Динора, Гулчеҳра, Зулхумор, Музаффар, Зебо; лақаблар, тахаллуслар: Мош, Тарғил, Қорақўз, Тўртқўз, Арслон, Ёлбарс, “Оазис”, “Тян-Шан”, “Илга”, “Баҳор”, “Рекорд”.

**От** – ҳаракат: отмоқ, улоқтирмақ, ирғитмоқ, итқитмоқ.

**От** – сўз туркуми: Морфология.

**Уядошлари:** сифат, сон, олмош, феъл, равиш, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи  
в.х.

**От** – ҳаракат, буйруқ феъли, маъноси – отиш, ўқ узиш.

**Уядошлари:** милтиқдан отмоқ, тўппончадан отмоқ, пулемётдан отмоқ, нагандан отмоқ.

**8-топшириқ.** Кўз сўзининг ўз ва кўчма маъноналари билан сўз бирикмаси ҳосил қилинг. Уларнинг маъносини шарҳланг. Зид маъноли сўзлар топинг.

Намуна:

- | <b>ўз маъноси</b>               | <b>кўчма маъноси</b> |
|---------------------------------|----------------------|
| 1) шаҳло кўз                    | ишнинг кўзи          |
| қора кўз                        | деразанинг кўзи      |
| қисик кўз                       | булоқнинг кўзи       |
| кўк кўз                         | булоқнинг кўзи       |
| бўта кўз                        | ақлнинг кўзи         |
| ўткир кўз                       | ёғочнинг кўзи        |
|                                 | мунчоқнинг кўзи      |
|                                 | узукнинг кўзи ....   |
| 2) шаҳло кўз – қисик кўз        |                      |
| қора кўз – кўк кўз              |                      |
| ўткир кўз – хира кўз            |                      |
| “кўзи очилди” – “кўзи ёғ босди” |                      |

Она тили фани фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, мантикий давомини топиш бўйича “бир лаҳзада топиш” вазифаларини бажариши мумкин.

Жумладан, мавзу мазмунига қараб, ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш учун мантикий саволлар берилади.

1. Фикрнинг энг кичик бўлаги-?
2. Ерга тушмай синади -?
3. Муомала воситасининг энг кичик бўлаги -?
4. У ким, бу-?
5. Тил-дил...?
6. Матннинг олий кўриниши -?
7. Жамиятда қонуний заруратлардан бири-?

Жавоблар: 1) Гап 2) Кўнгил 3) сўз 4) Нима 5) кўзгуси 6) Иншо 7) Фикр алмашиш.

Шунингдек, ўқувчилар фикрини умумлаштириш, дам олиш дақиқаси учун мақолардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мақолларнинг бошланғич қисми ўқиб эшиттирилади, ўқувчилар уни давом эттиришлари керак.

1. Яхши сўз жон озиғи ... (ёмон сўз бош қозиғи)
2. Она юртинг омон бўлса, ... (ранги рўйинг сомон бўлмас)
3. Узма дўстлик торини ... (уни боғлаш қийин)
4. Ишсизнинг куни ўтар ... (ишчининг иши битар)
5. Тўғри одам ... (эгри сўздан ор қилади)
6. Яхши билан юрсанг етарсан муродга ... (ёмон билан юрсанг қоларсан уятга)
7. Ўзига бокма, ... (сўзига бок)
8. Дўст сўзини ташлама, ... (ташлаб бошинг қашлама)
9. Ширин сўз билан илон инидан чиқар ... (ёмон сўз билан пичоқ кинидан чиқар)
10. Тўғри узади ... (эгри тузади)
11. Аввал ўйла ... (кейин сўйла)
12. Кўп билган оз сўзлар, ... (оз сўзласа ҳам соз сўзлар).

“Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор” мақолини изоҳланг. Бу муаммоли топшириқда ўқувчилар ўзларининг турличи фикрларини айтишади. Ўқитувчи энг тўғри жавобни, сўзнинг қудрати буюк эканлиги ҳақида ўқувчиларнинг жавобларидан умумлаштиради.

Хулоса қилиш мумкинки, ақлий заковати билан ахлоқий камолотини билан уйғунлаштира олсагина, биз жамият учун керакли шахсни тарбиялаган бўламиз.

## **7. ДАРС ИШЛАНМАЛАРДАН НАМУНАЛАР**

### **Э. Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини ўтишда қўлланнилан педагогик технологиялар**

Адабиёт фанидан 6 синф (26-27-дарс) дастурида берилган “Ўзбегим қасидаси” мавзусини ўтишда шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар асосида қуйидагича ташкил этиш мумкин.

Ушбу мавзу 2 соатга мўлжалланган бўлиб, биринчи соатида асосан шеърнинг мазмуни-моҳиятини тушунтиришда бахс-мунозара, гуруҳлар билан ишлаш усулидан фойдаланилса, иккинчи соатида савол-жавоб, бумеранг усуллари билан фойдаланилиб дарс ўтишни тавсия қилинади.

**Мақсад:**

-қасида нималигини тушунтириш, Ватанимиз сарҳадлари, буюк сиймолари ҳақида билимларини кенгайтириш ва бу ҳақда шеърӣ парчаларни ифодали ўқитиш:

-ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуларини ривожлантириш, Ватанимиз учун ёниб яшаш муқаддас бурчи эканлигини сингдириш;

-ёшларнинг юрт келажагига ишонч уйғотиш, ёд ғоялар таъсирига тушиб қолмаслигини уқтириш.

**Жиҳозлар:** Э. Воҳидов портрети, “Куй авжида узилмасин тор” китоби (121-124-бет), тарқатма материаллар, шеърӣ парчалар ёзилган картон, компьютер. қоғоз,скотч.

**Дарс усули:** савол-жавоб, бумеренг,бахс-мунозара.

**Шиор:** Туғилгансан.Озод, мудом.Озод бўлиб қол!(“Рухлар исёни”достони эпграфи)

**Назорат:** Жамоа ва кичик гуруҳлардан сўраш, ўз-ўзини назорат қилиш.

**Баҳолаш:** Рағбатлантириш, 5 баллик рейтинг тизими асосида баҳолаш.

**Дарс режаси:**

1. Э. Воҳидов ижодиёти ва қасида жанрига бир назар
2. “Ўзбегим” қасидаси мазмуни
3. “Ўзбекистон алломалар юрти”

**Дарсинг бориши:**

**I. Ташкилий қисм** Ўқитувчи саломлашиб, давоматни аниқлагач, синфни 3 та гуруҳга бўлиб (“Беруний”, “Навоий”, “Улуғбек” каби буюк сиймоларнинг номлар билан аташи мумкин)жойлаштиради. (2 дақиқа)

**II. Ўтилган дарсда берилган Одил Ёқубовнинг «Музқаймоқ» ҳикояси** бўйича савол-жавоб асосида сўралади, яхши қатнашган ўқувчиларни рағбатлантирилади ва янги мавзунини эълон қилинади. (5 дақиқа)

**III. Янги мавзу баёни** (ўқитувчи маърузаси-5 дақиқа, шеърӣ композиция- 5 дақиқа, гуруҳлар тақдироти-15 дақиқа)

Ўқитувчи Эркин Воҳидовнинг ҳаёти, серқирра ижоди ҳақида ва қасида-тарихий воқеалар, машҳур шахсларни мадҳ этувчи тантанавор услубдаги, ғазал шаклидаги шеър эканлиги, Навоийнинг “Ҳилолия”(Ҳусайн Байқарога), Оғаҳийнинг “Оғоҳномаси”(Муҳаммад Раҳимхонга) ва замонавий ўзбек адабиётида М. Шайхзоданинг “Тошкентнома”, А.Ориповнинг “Ўзбекистон” каби қасидалар ҳақидаги маълумотлар билан слайдлар асосида дарсни бошлайди.

Ўқитувчи “Ўзбегим” қасидасини аруз вазнида бўлганлиги учун қандай ўқилиши ва қай тартибда янги гуруҳлар ташкил этишлари ва тақдирот қилиш тартибини тушунтиради. Гуруҳ аъзоларидан 2 ўқувчи 2 байтдан навбати билан кетма-кет ўқиши ва бошқа гуруҳнинг ихтиёрий аъзоси изоҳ берилиши сўралади. Ўқитувчи гуруҳларга топшириқ беришдан олдин ўқиладиган қасида намуналари, буюк алломалар ҳақидаги маълумотлар ёзилган варақлар гуруҳларга тарқатиб қўйилган бўлади ва тақдиротга чиқувчи ўқувчини гуруҳ аъзолари ўзлари белгилайди.

**1-гуруҳ:**

1-ўқувчи: Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим  
Сенга тенгдош Помиру Оксоч Тиёншон, ўзбегим  
Сўйласин Афросиёбу Сўйласин Ўрхун хат,  
Кўхна тарих шодасида Битта маржон ўзбегим

2-ўқувчи: Ал Беруний, Ал Хоразмий, Ал Фороб авлодидан,  
Асли насли балки Ўзлук, Балки Тархон ўзбегим.  
Ўтдилар шўрлик бошингдан Ўйнатиб шамширларин  
Неча қоон, неча султон, неча минг хон ўзбегим.

**2-гуруҳ:**

1-ўқувчи: Тоғларинг тегрангда гўё Бўғма аждар бўлди-ю,  
Икки дарё-икки чашминг, чашми гирён ўзбегим.  
Қайсари Рум найзасидан Бағрида доғ узра доғ,  
Чингизу Боту тиғига Кўкси қалқон, ўзбегим.

2-ўқувчи: Ёғди тўрт ёндин асрлар Бошингда тийри камон,  
Умри курбо мулки торож, юрти вайрон ўзбегим.  
Даври зулмига ва лекин Бир умр бош эгмадинг,  
Сен-Муқанна, сарбадор-сен, Эркесвар қон, ўзбегим.

### 3-гуруҳ:

1-ўқувчи: Туздию Мирзо Улуғбек Кўрогоний жадвалин,  
Сирли осмон тоқига илк-Қўйди нарвон ўзбегим.  
Мир Алишер наърасига Акс-садо берди жаҳон  
Шеърият мулкида бўлди Шоҳу султон, ўзбегим.

2-ўқувчи: Илму шеърда шоҳу султон, Лек тақдирига қул,  
Ўз элида чекти ғурбат, Зору нолон ўзбегим.  
Мирзо Бобур-сен, фиғоннинг Солди олам узра ўт,  
Шоҳ Машраб қони сенда Урди туғён ўзбегим

Ўқитувчи ўқиган ўқувчининг шеърни ўқий олиш қобилиятини ва изоҳ берган ўқувчи қайси гуруҳ аъзоси эканлигини кузатади.

Ўқитувчининг вақтни белгилаши билан ҳар бир гуруҳ ўқувчилари ўз столларидаги маълумотларни ўқиб чиқишади ва 3 та гуруҳ ҳам тенг бўлинишиб, янги гуруҳ ташкил этишади. Янги гуруҳлар иккинчи столдаги маълумотлар билан ҳам танишади ва ўзларининг билган маълумотлари асосида бир-бирларига сўзлаб беришадилар. Сўнгра янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар ва ўқиган, эшитганлари асосида “Ўзбекистон алломалар юрти” мавзусида ўз тақдимотларини яратишга киришадилар. Ўқитувчи бу пайтда ҳеч кимнинг эътиборини чалғитмаган ҳолда ўқувчиларнинг билимини, ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида юриб ички назорат ўтказди. Тақдимот иши ҳар бир гуруҳдан бир ўқувчи томонидан тингланади.

### IV. Мавзуни мустаҳкамлаш (10 дақиқа). Ўқитувчи гуруҳларнинг фикр-

мулоҳазаларини янада тўлдиради ва бойитади. Қасидада тилга олинган Берунийнинг илмий ишлари, Форобий "Фозил одамлар шаҳри" номли машҳур асарида халқ раҳбари қуйидаги 12 фазилят(соғ, фаросатли, зеҳнли зукко, пок ниятли, ҳақгўй бўлиши каби)га эга бўлиши, Шоҳрух Улуғбекни 1411 йили Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинланиши, Сирдарё ва Амударёларининг қадимий номлари, туркий халқларнинг Ўрхун хати ва унда ёзилган тошбитиклар Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари тўғрисида ўқувчиларнинг билганлари асосида бахс-мунозара ўтказди ва умумий хулосалар билан мавзуни якунлайди.

### V. Яқуний босқич (3 дақиқа)

**Баҳолаш.** Ўқувчиларнинг ифодали ўқиш, гуруҳларда ишлашдаги фаоллиги, эркин ва мустақил, ижодий фикрлаши кузатилади ва ўз ўрнида баҳоланади ва рағбатлантирилади

**Уйга вазифа.** “Ўзбегим” қасидасидан парча ёдлаш, “Тошкент-маданият маркази” мавзусида матн тузиб келиш

Тарқатма материаллар учун намуналар илова қилинади:

|         |                                                                                                                                                                                                                                                            |
|---------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1-илова | “Қасида”арабча сўздан олинган бўлиб, “мақсад”, “ният”, “бирор ишга қасд қилиш” каби маъноларни билдиради. Қасиданинг умумий ҳажми 15- 20 байтдан кам бўлмайди.                                                                                             |
| 2-илова | Э. Воҳидовнинг китоб ва шеърлари: “Тонг нафаси”(1961), “Юрак ва ақл”(1963), “Менинг юлдузим”(1964), “Ҳозирги ёшлар”(1975), “Муҳаббат”(1976), “Тирик сайёралар”(1980), “Бедорлик”(1985), “Рухлар исёни” каби.                                               |
| 3-илова | Хоразмий “Ал- жабр вал муқобала“ китоби билан математика тарихида биринчи бўлиб математика фанига асос солди. Муҳаммад ибн Мусо ал- Хоразмий (783-850 йилларда яшаб ижод қилган) қадимги Хоразм дийрида туғилиб, вояга етади. Дастлабки савод ва турли хил |

|         |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|---------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|         | <p>соҳадаги билимларни у ўз она юрти Хоразм ва Мовороуннахр шаҳарларида кўргина устозлардан олади. Замонасининг машҳур математики, астрономи ва географи сифатида фанга улкан ҳисса қўшди. Хоразмий 20 дан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, фақат 10 тасигина бизгача етиб келган. Математикага доир асарлари “Ал – жабр вал - муқобала”, “Ҳинд ҳисоби ҳақида”, географияга оид асарлари “Китоб сурат ул - арз” (Ер сурати), астронимияга оид асарлари “Зиҳ” ва “Устирлаб билан ишлаш ҳақида”, тарихга оид асарлари “Китоб ат - тарих”, “Яҳудийларни тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола” номлари билан аталган. Ҳатто “алгебра” атамаси ушбу китобнинг “ал – жабр” деб юритилган қисқача номининг айнан ифодасидир.</p>                                                                                                                                                                                                   |
| 4-илова | <p><b>Абу Раҳон Беруний</b>(973 – 1048 йиллар да яшаган)астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, тарих кабиларни чуқур ўрганди. У Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида туғилди ва ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиши орта борди. Беруний машҳур олим Абу Наср Мансур ибн Ироқ қўлида таълим олди. У 22 ёшида Хоразмдан чиқиб кетиб, Каспий денгизи соҳилидаги Журжон шаҳрида, сўнг қадимги Рай шаҳрида муҳожирликда яшади ва “Осор ал-боқия” (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) асарини ёзди. Унинг ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги маълум. Олимнинг “Ҳиндистон”, “Хоразмнинг машҳур кишилари”, “Геодезия”, “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар” каби асарлари илмий мерос сифатида илм-фанга катта ҳисса бўлиб қўшилган.</p>                                                                        |
| 5-илова | <p>Форобий ўз замонаси илмларнинг барча соҳасини мукаммал билганлиги ва илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-Муаллим ас-соний” – “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастузи” деб юритилган. Форобий туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фороб – Ўтрор деган жойда туғилган. Форобий бошланғич маълумотни она юрти, сўнг Тошкент (Шош), Бухоро, Самарқандда ўқиди. У 160дан ортиқ асар яратган. Буюк ватандошимиз Абу Наср Фаробийнинг ижтимоий- сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ тарбияга, фиксшунослик, этика, педагогикага доир асарлари, “Бахт саодатга эришув йўллари” (“Рисола фи-т танбех ола асбоб ас- саодат ”), “Шаҳарни бошқариш” (“Ас – сиёсат ан – мадания”), “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб” (“Китб фитойии ва-л хуруб”), “Ҳазилатли хулқлар” (“Асафрат ал – Ҳазилат”) ва бошқалардир.</p> |
| 6-илова | <p>Улуғбек 1394 йилнинг март ойида Эроннинг ғарбидаги Султония шаҳрида, бобоси Амир Темурнинг ҳарбий юриши пайтида туғилди. У Шохрух Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, унга Муҳаммад Тарағай исми берилган, лекин болалигидаёқ у Улуғбек деб атала бошлаб, бу исм кейинчалик унинг асосий исми бўлиб қолди. Амир Темур вафотидан кейин кенжа ўғли Шохрух Мирзо тахтга ўтирди ва Ҳиротни пойтахт қилиб белгилади. Мовароуннахр пойтахти Самарқандни ўғли Улуғбекка топширди.</p> <p>Улуғбек 17 ёшида ҳоким бўлди, лекин у бобоси сингари ҳарбий юришларга эмас, илм-фанга қизикди. Шох сифатида 40 йилдан ортиқроқ мамлакатни адолат билан бошқарди. Олим сифатида расадхона қурдирди, астрономик кузатишлар олиб борди. Улуғбекнинг маълум ва машҳури унинг ”Зиҳ”и бўлиб, бу асар “Зиҳи Улуғбек”, “Зиҳи жадиди Гурагоний”</p>                                                                                                       |

|  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
|--|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  | деб ҳам аталади. “Зиҳ”дан ташқари унинг қаламига мансуб математик асари “Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола”, астронимияга оид “Рисолаи Улуғбек” (ягона нусҳаси Ҳиндистонда, Алигарх университети кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир “Тарихи арбаҳ улус” (“Тўрт улус тарихи”)асаридир. Улуғбек “Зиҳ”и ўз таркибига кўра икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 собита юлдузининг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат бўлиб, муқаддиманинг ўзи мустақил тўрт қисмни ташкил қилади. |
|--|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

## 6-синф 2- чорак

### Мавзу: Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси

**Дарсининг мақсади:** ҳикояни ўқитиш, мазмунини тушунириш, матн устида ишлаш;

- давр, ночорлик, инсоннинг қадр-қиммати ҳолатларини ўқитиш;
- даврга муносабат билдириш ва қиёслаш кўникмаларини ривожлантириш

**Дарсининг усули:** интерфаол, 3/1 технологияси(3 ҳақиқат, 1 ёлғон тарзида).

**Дарсининг кўргазмалилиги:** ёзувчи портрети, асарлари,

*Бу асарни тушуниришда асосан, ўқитувчи 2 та усулдан фойдаланиб мавзу ҳақида тушунириши ҳақида тўхталамиз.*

Ўқитувчи аввало, гуруҳларга мавзунини ўқиттиради, ҳар бир тасвирга алоҳида тўхталишни таъкидлайди, Ўқувчилар асар моҳиятини тушунганларидан сўнг ўзларига ҳулосалар беришга ундайди, дарс жараёнида ўқитувчининг маҳорати билан ўқувчининг ҳаракати савол- жавоб асосида уйғун бир ҳолат кашф этилади.

Жумладан, “Сотиболди касални ўқитди – бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Беморнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди, хипчин билан савалатиб, товук сўйиб қонлати..., бўлмади”-тасвирида табиб қон олганда, нега боши айланадиган бўлиб қолди? Саволлари билан мурожат қилиниши мумкин.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Сотиболди бемор аёлини даволаш учун нима ишларни амалга оширди?
2. Оғир бетоб хотиннинг даволанмаслигининг сабаблари ҳақида фикр юритинг.
3. Сотиболдининг иқтисодий аҳволи ночор эканлиги ким сабабчи?

Асар мазмунини ўқитилиб, давр воеалари қиёсланганда, ўқувчилар фаоллашади.

Асарнинг мустаҳкамлаш қисмида, 3/1 технологияси(3 ҳақиқат, 1 ёлғон)ни қўллашда қуйидагича йўналтириш мумкин.

Ўқувчилар асар билан тўлиқ танишиб бўлганларидан сўнг, “Сотиболдининг аҳволи нечоғлик ночорлиги”, “Хўжайини Абдуғанибой имкониятлари”, “Беморнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди” каби ҳақиқатни сўзласалар, бир ёлғонига “Шифокорлар Сотиболдининг хотинини даволади” мазмунида ўз тақдиротларини ишлаб чиқишади.

Бу мисоллар асосида асар мазмунини ахборот тарзида яққол намоён бўлади. Таҳлил шу тариқа давом эттирилади.

Адибнинг асарни қаҳрамонларини тасвирлаш маҳорати кучлики, бунда, воқеалар уйғунлашиб, кичик қизча орқали асар воқеасига яқун ясайди.

Ўқитувчининг вазифаси савол-топшириқлар билан бирга болалар эътиборини мана шу ҳақиқатларга қаратишдан иборат.

Гуруҳлар тақдиротидан сўнг рағбатлантириш муҳим саналади.

**Уйга вазифа:** Ҳикоя ёзиш. “Бўлган воқеа” мавзусида ихтиёрий ҳикоя тузиш. Ҳикояда асар тасвирларидан фойдаланиш буюрилади.

**Мавзу: А.Навоий “Маҳбуб ул- қулуб” асари. Ҳикматли сўзлари.**

**Дарс мақсади:**

**Таълими**- Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида назарий маълумот бериш, таянч маълумотларни кенгайтириш, А.Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асари мазмунини тушунтириш.

**Тарбиявий**-ўқувчиларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва инсонийлик фазилатларни ўқитиш, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш.

**Ривожлантирувчи**- оғзаки нутқни ўстириш, ҳаётда ўз ўрнини топишга ундаш

**Дарс жиҳози;** Дарслик, “Маҳбуб ул қулуб” асари, Навоий сурати, дидактик материаллар

**Дарс усули:** “Бумеранг”, “Савол-жавоб”, “Ўрнини топ”

**Дарснинг бориши:**

**Ташкилий қисм:** (2 дақиқа)

а) Саломлашиш

б) навбатчининг ахборотини тинглаш

с) дарсга тайёргарлик кўриш: доскага Навоий сурати, плакат илинади; тарқатма материаллар- турли журналларда берилган рангли расмлар билан бирга Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг «Хамса» дostonларига ишланган миниатюралари, Темур Жамолиддиновнинг Алишер Навоий «Хамса»сининг султон Ҳусайн Бойқарога топширилиши асари ва ҳарфли таблолар ўқувчиларга тарқатилади.

**Дарснинг режаси:**

-Навоийнинг ҳаёти ва ижоди.

- “Маҳбуб ул- қулуб” қомусий асардир

-Саҳоват ва тавозе ҳақида.

Ўқитувчи ушбу режа асосида дарсни қуйидаги босқичларда олиб боради:

- |                               |            |
|-------------------------------|------------|
| 1. Расмлар сўзлайди.          | -14 дақиқа |
| 2. Тестни бажарамиз тез       | -3 дақиқа  |
| 3. Дарс баёни                 | - 4 дақиқа |
| 4. Гуруҳлар тақдимути.        | -15 дақиқа |
| 5. Навоий сўзларини англадим. | -5 дақиқа  |

Биринчи босқичда синфдаги ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб, ҳар гуруҳ ўқувчилари шарт бўйича Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид расм ва видео проектор орқали кўрган лавҳалари асосида оғзаки ҳикоя қилиб беришлари буюрилади

*Экран орқали Навоийнинг болалик йилларига, буюк меросига оид лавҳалар беш дақиқа давомида кўрсатилади.*

Ўқувчилардан ҳикояни қуйи синфларда ўрганган билимлари, ва қўлларидаги расмлар асосида ўзлари тузадилар. Мисол учун биринчи гуруҳ М.Осимнинг “Зулмат ичра нур” асари асосида тузишса, бошқа гуруҳ Навоийнинг шоҳ асари бўлмиш “Хамса”нинг Ҳусайн Бойқарога топширилиши воқеаси ҳақида бўлиши мумкин.

Ҳикоялар тинглаб бўлингач, гуруҳлар баҳоланади ва тезкор тест ўтказилади.

Ўқувчилар тўғри жавобга қараб (А,Б, В, Д ҳарфли таблоларни) қўлда кўтаришади.

1.Навоий қандай оилада туғилган ва тарбия топган?

А) Боғбон оиласида

Б) Зиёли оилада

С) Амалдор оиласида.

Д) Дехқон оиласида

2. Навоийнинг туғилган йилни аниқланг?

А) 1441 йил

Б) 1444 йил

С) 1454 йил

Д) 1414 йил

3. Навоийнинг илк ижоди неча ёшдан бошланган?

А) 7-8 ёшдан

Б) 5-6 ёшдан

С) 10-12 ёшдан

Д) 4-5 ёшдан

4. Навоий қайси тилларда ва қандай таҳаллус билан ижод этган?

А) Форсий- Навоий, Туркий- Фоний

Б) Араб- Ҳазрат Навоий

С) Туркий-Навоий ва Форсий-Фоний

Д) Тоҷик-Фоний, туркий-Навоий

Ўқитувчи тест жараёнини ўзи изоҳлаб боради.

Сўнг Навоий ҳаёти ва ижодига доир хронологик жадвал плакат орқали ўқувчиларга ижоди, асар мазмуни ҳақида тушунтирилади.

**Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича муҳим саналар.**

|                      |                                                                        |
|----------------------|------------------------------------------------------------------------|
| 1441-йил<br>9-феврал | Алишер Ҳирот шаҳрида туғилди                                           |
| 1447-йил             | Алишер оиласининг Хуросондан Ироққа кўчиши                             |
| 1457-йил             | Навоий Машҳадда                                                        |
| 1464-йил             | Алишер Ҳиротга қайтди.                                                 |
| 1465-йил             | Навоий Самарқандда                                                     |
| 1469-йил             | Хусайн Бойқаро тахга ўтирди. Навоийни муҳрдорлик лавозимига тайинлади. |
| 1472-йил             | Навоий вазирликка тайинланди.                                          |
| 1483-1485<br>-йил    | “Хамса” асарини яратди                                                 |
| 1487-йил             | Навоий Астроботга ҳоким этиб тайинланди.                               |
| 1488-йил             | Навоийнинг Ҳиротга қайтиши                                             |
| 1501-йил             | “Маҳбубул қулуб” пандномасини ёзган                                    |
| 1501-йил             | 3-январ Навоийнинг вафоти                                              |

**Ўқитувчи:** Бу саналар билан кейинги дарсларда батафсил танишиб борамиз. Навоий ўзининг “Хамса”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби йирик таълимий-ахлоқий асарлари билан бирга “Муножот”, “Вақфия”, “Мажолисун нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларида ҳам тарбияга оид ўз карашларини ифода этади. Алишер Навоий бу каби бадиий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида эса комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этади.

Навоий илмни кадрлаган, бутун умрини шу йўлда сарф этган. Тарбия –шоир наздида, бағоят муҳим масала. Илм олиш, тарбия билан мунтазам боғлиқ бўлиб, бу борада эътиборсизлик, ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини уқтиради.

Навоий “Маҳбубул ул-қулуб” асарини 1500 йилда яратди. Адибнинг бу асари бошидан кечирган 60 йиллик умри давомида кўздан кечирган воқеаларга хулосалари асосида яратган маънавий меросидир. Бу асар инсоннинг умри давомида дуч келиши муқаррар бўлган саволларга аниқ жавоб шаклида ёзилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

“Маҳбуб ул- қулуб” асарининг яратилиши, унинг 3 қисмдан иборатлиги, 1-қисмида кишилар феъл атвори, оила масалалари, 2-қисми ахлоқий масалалар ва 3-қисмида турли фойдали маслаҳат ва мақоллар ҳақида таъкидлаб ёзади.

*Энди (китобларингизда берилган) асардан намуналар ўқиймиз ва биргаликда лугат сўзлар орқали мазмунини тушунамиз.*

*Гуруҳдан уч ўқувчи чиқиб, бирин-кетин дарслик(182 бет)да берилган “Саҳоват ва ҳиммат бобида”ги сўзларни ўқийдилар. Шундан сўнг, ўз гуруҳи билан бирга лугат сўзлар орқали мазмунини шарҳлашга киришадилар.*

**Биринчи гуруҳ ўқувчиси:** “Саҳоват инсоният боғининг борвар шажаридир, балки ул шажарининг муфид самаридур. Одабийлик кишварининг баҳри мавжвари, балки ул мавж баҳрининг самин гавҳари. Саҳоватсиз киши-ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки тотор. Мевасиз йиғоч ҳамон-у ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамон—у тутун ҳамон...”

*Лугат сўзлар: шажари-дарахти, муфид-фойдали, самар-дур бу жойда меваси маъносида, мавжвари-денгизи*

**Иккинчи гуруҳ ўқувчиси:** Саҳий булутдир-иши хирмон, балки маҳзан бермак. Баҳил мўрдир-даъби хўша балки дона термак. Ҳиммат аҳлиғадур саҳоват ихтисоси ва бу икки шариф сифат валоят хоси. Саҳоват одамга бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ. Ҳимматсиз киши эр сониде эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас”

*Лугат сўзлар: маҳзан-ҳазина, мўр-чумоли, руҳсиз-жонсиз маъносида*

**Учинчи гуруҳ ўқувчиси:** Исроф саҳо эмас ва итлофни маъно аҳли саҳо демас. Ҳақ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофирий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот учун бермак хиднамолик ва анинг била ўзин саҳий демак беҳаёлик. Улки ел кўрмагунча бермас-лаимдур, саҳий емас. Тилаб берганни ҳам саҳодин йироқ бил; ибром била бергандин бермаганни яхшироқ бил. Бирта ўтмакни икки бўлиб, ярмин бир очга берганни саҳий де; ўзи емай барин муҳтожга берганни аҳий де”

*Лугат сўзлар: итлоф-ўринсиз ишлатиш, мубоҳот-мақтаниш, ибром –мажбуран, қисташ, лаим-пасткаш, аҳий- яхши дўст, бирта ўтмакни-бир кулчани маъносида*

*Ўқувчилар лугат сўзларни олиб гуруҳлари билан биргаликда китобдан фойдаланмаган ҳолда бажарадилар. Ўқитувчи ёрдам бериб кузатиб юради.*

**Биринчи гуруҳ тақдимоти:** Саҳоват инсоният боғининг ҳосилдор дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саҳоват одабийлик мулкининг мавж уриб турган денгизидир, балки тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Саҳоватсиз одам- ёғинсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушк анбарга ўхшайди. Мевасиз дарахт ҳам бир-у, ўтин ҳам бир, ёғинсиз булут ҳам бир-у тутун ҳам бир.

**Иккинчи гуруҳ тақдимоти:** Саҳий булутдир, хирмон-хирмон дон ҳосили, балки ҳазина беради; баҳил чумолидир, дон-дун машоқ теради. Ҳиммат аҳлининг ихтисоси - саҳоватдир; бу улуг сифат покиза кишиларга хосдир. Одам бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жониди; ҳимматлилардан олам аҳли учун юз минг шараф шукур етишади. Ҳимматсиз киши эр сониде эмас; жонсиз баданни ҳеч ким тирик демас.

**Учинчи гуруҳ тақдимоти:** Исроф қилиш саҳийлик эмас; ўринсиз совуришни ақли одамлар саҳийлик демас. Ҳалол молни куйдирганни-девона дейдилар; ёруғ жойда шам ёққонни ақлдан бегона дейдилар. Мақтаниш учун мол бермоқ-ўзини кўз-кўз қилмоқ ва шундай қилиб ўзини “саҳий” демоқ-беҳаёлик билан ном чиқармоқ. Кимки халққа кўрсатиб эҳсон берса, у пасткаш, саҳий емас. Тилагандан сўнг беришлик ҳам саҳоватдан йироқдир, қисташ натижасида бергандан бермаган яхшироқдир.. Битта кулчани икки бўлиб, ярмини оч одамга берганни-саҳий деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга берганни яхши дўст деб бил”

**Ўқитувчи фикрларини умумлаштиради:** Адибнинг саҳоват, яхшилик, исроф тўғрисидаги фикрлари нақадар ибратли. Айниқса, бугунги кунда одамларнинг кўз-кўз қилиб дабдабали қилиб ўтказаётган тўй-маросимларидаги исрофгарчилик яхши эмаслигини, саҳоватли инсон барча нарсаларга мулоҳазали фикр юритишини таъкидлагандек, гўё. Сиз болажонларнинг ҳам дарс қилиш ўрнига интернет клубларда фақат ўйин билан машғул бўлмаслигини чорламоқда.

**Мавзун мустаҳкамлаш:** (5 дақиқа)

Ўқитувчи бу босқичда “Ўрнини топ” усули асосида ўқувчиларга ихтиёрий хоҳлаган ўқувчилар (Гуруҳларда 1 нафардан) таклиф этилиб, қоғозларга ёзилган – **ҳалол** **молни**

**куйдирганни**, **саҳоват инсоният боғининг**, **ўринсиз совуриш**, **тилагандан сўнг** **беришлик**, **саҳоватдан йироқдир**, **ҳосилдор дарахти** каби сўз бирикмалари асосида Навоийнинг сўзларни тузиш буюрилади. (вақт 3 дақиқага белгиланади). Қайси гуруҳ ўқувчиси биринчи бажарса, рағбат асосида баҳоланади ва изоҳланади.

**Ўқитувчи:** Навоий қарашларида саҳоват, қаноат, ақл – инсоннинг энг муҳим ахлоқий фазилати сифатида ҳар томонлама улуғланади.

Зеро адиб, “Яхшиликларни топмоқ-едирмоқдир; айбларни яширмоқ –кийдирмоқдир. Зарур вақтда берилган эски чопн ва бўз тўн саҳоват; бемаҳал ҳадя қилинган зарбафт чопон ярмасликдир. Овқатим увол бўлмасин десанг-едир; либосим эскирмасин десанг кийдир.

Саҳоват қилиш йўлини шу айтилган гаплардан англа; аммо олижаноблик ва мардлик расмлари бундан бошқачадир”-дея насиҳат қилади.

Навоийнинг тушунтиришича, инсон баркамол бўлмоғи учун энг аввало ўзидаги бадахлоқ қилиқларни тугатиш билан жиддий шуғулланмоғи даркор:

Бардурур инсон зотида анча шараф,

Ким ямон ахлоқни этса бартараф.

**Дарс якуни:** Ўқувчиларнинг баҳолари эълон қилинади, яхши қатнашган ўқувчиларга рағбатлантирилади. Уйга вазифа хат тахтанинг ўнг бурчагига ёзиб қўйилади ва ўқувчиларнинг ёзиб олганликлари кузатилади (2 дақиқа)

Уйга вазифа: “Саҳоват ва ҳиммат бобида”ги мисралар асосида “Саҳоватли фарзанд” мавзусида матн тузиб келиш, ҳикматли сўзларидан ёд олиш.

### Адабиёт фани бўйича (5-синф)

**Мавзу: Ў. Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижоди. “Дунёнинг ишлари”.**

**Дарснинг мақсади:**

1. Ўқувчиларни Ў. Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш ҳамда “Дунёнинг ишлари” асарининг мазмунини ўрганиш.
2. Ўқувчилар томонидан асарнинг мазмуни ва моҳиятининг чуқур ўзлаштирилишини таъминлаш.
3. Ўқувчиларда оналарнинг буюк зот эканликлари тўғрисидаги тушунчани қарор топтириш.
4. Ўқувчиларда оналарга нисбатан чексиз ҳурматни уйғотиш, бурчларини уқтириш.

**Дарс жиҳози:**

Ў. Ҳошимовнинг портрети, адиб ижоди хусусида маълумот берувчи жадвал, “Дунёнинг ишлари” асари.

**Дарс жараёнида қўлланувчи усуллар:**

Сухбат, савол жавоб, ақлий ҳужум, “3/3”, “тафаккур чўққиси”.

**Дарснинг режаси:**

1. Ў.Ҳошимов- замонавий ўзбек адабиётининг етук намаёндаларидан бири.
2. “Дунёнинг ишлари”, асарининг асосий ғояси.
3. Оналарга хос бўлган юксак фазилатларнинг эътирофи.

**Дарснинг бориши:**

1. “4X8X4X8”усули ёрдамида билимларни ўзлаштириш.

Синф ўқувчилари 4 нафардан бўлиб 8 та гуруҳга бўлинадилар. Мавзунинг умумий матни 8 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм ҳар бир гуруҳга берилади ва гуруҳларга матнни ўрганиб чиқиш вазифаси топширилади.

Гуруҳларга қуйидаги дарслик матнининг қуйидаги қисмлари тавсия этилади:

- 1-гуруҳга - Ў. Ҳошимовнинг ҳаёти ва фаолияти.
- 2-гуруҳга – асарнинг “Оқ, ойдин кечалар” номли банди.
- 3- гуруҳга – асарнинг “Туш” номли банди.
- 4- гуруҳга – асарнинг “Тилам пайпоқ” номли бандининг 1-ярми.
- 5- гуруҳга – асарнинг “Тилам пайпоқ” номли бандининг 2-ярми.
- 6- гуруҳга – асарнинг “Алла” номли бандининг 1-ярми.
- 7- гуруҳга – асарнинг “Алла” номли бандининг 2-ярми.
- 8- гуруҳга – асарнинг “Илтижо” номли банди.

Матн гуруҳлар томонидан ўрганилгандан сўнг, гуруҳлар қайта ташкил этилади (ушбу ўринда ҳар бир гуруҳда аввалги бешта гуруҳнинг бир нафар аъзоси бўлиши шарт). Гуруҳлар қайта ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ўқувчи ўзи ўзлаштирган маълумотларни қолган ўқувчиларга ҳикоя қилиб беради. Шу тарзда мавзу матн ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

II. Савол- жавоблар асосида суҳбат ташкил этиш. Ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Ў. Ҳошимовнинг ҳаёти ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Адиб томонидан қандай асарлар яратилган?
3. “Дунёнинг ишлари” қандай жанрда ёзилган асар саналади?
4. Ушбу асарнинг асосий қаҳрамонлари кимлар?
5. Асарда оналарга хос бўлган қандай фазилатлар ифода этилган?
6. Асар билан танишиш натижасида қандай таассуротларга эга бўлдингиз?

III. “Ақлий ҳужум” усули ёрдамида билим, кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Ушбу усул воситасида қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади: ўқувчилар жуфтликка бирикадилар ва уларга адиб Ў. Ҳошимовнинг ҳаёти ҳақида маълумот берувчи тушунчаларни тўлдириш вазифаси юкланади. Ўқитувчи топшириқнинг гуруҳлар томонидан қандай бажарилганлигини текширади. Сўнгга ўқувчилардан ушбу саналар нимани англатишини сўрайди, тўғри жавоб бера олган ўқувчи ўқитувчи ролини ижро этади. Навбатдаги босқичда ўқувчилардан адиб томонидан яратилган олти асарнинг номини карточкаларга ёзиш сўралади. Ушбу ўқувчи ўқитувчи ёрдамида топшириқни мавжуд жуфтликларга бириктирилган ўқувчилар қандай бажарганликларини текширади ва ёзув тахтасига қуйидаги атамаларни ёзади: **“Баҳор қайтмайди”, “Икки эшик ораси”, “Нур борки, соя бор”, “Тушда кечган умрлар”, “Дунёнинг ишлари”, “Урушнинг сўнгги қурбони”**. Ўқитувчи ролини бажараётган ўқувчи тенгдошларидан ушбу сўзлар нималарни англатишини сўрайди.

III. “3\3” усули ёрдамида ўзлаштирилган билимларни текшириш;

Ўқувчиларга қуйидаги вазифани бажариш топширилади: берилган тушунчалар рўйхатидан Ў.Ҳошимов томонидан яратилган асар номини аниқланг ва уларни рўйхатидан чиқаринг, ҳаракатларингиз моҳиятини изоҳланг.

IV. “Тафаккур чўккиси” усули ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Ўқувчиларга мавзу юзасидан мантиқий фикрлашни талаб этувчи қуйидаги саволлар берилади:

1. Сизлар қандай фикрдасизлар: нима учун асар “Дунёнинг ишлари” деб номланган?
2. Боланинг тушида онасининг чироқ кўтариб юрганларини кўриши Сизларнинг фикрингизча нимани англатади?
3. Айтинглари-чи, алланинг қудрати нимада?
4. Адибнинг “..... дунёдаги ҳамма оналар яхши” деган сўзларнинг маъносини қандай изоҳлайсизлар?

## МАЗЗУ: Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнги қурбони» хикояси

**Мақсад:** Ўқувчиларга уруш сўнгида бир оиланинг барбод бўлиши ва ўғли ўз онасининг қотилига айланишининг сабабларини очиш, мавзу ғоясини тушунтириш, уларнинг оғзаки нутқ малакаларини ривожлантириш, тинчликнинг олий неъмат эканини аниқлаш, шу куннинг қадрига етишга ўргатиш.

**Дарснинг жиҳози:** Кутувлар, адиб портрети, асарлари, бошқотирма, инсонларнинг ёзувчи ҳақида фикрлари ёзилган плакат, ижоди бўйча кўргазма.

**Дарснинг бориши.**

Ўқитувчи аввало, ўқувчиларни асарнинг мавзусига эътиборларини қаратади. Нима учун асар “ Урушнинг сўнги қурбони» деб аталган? Ўқитувчи асарни тўлиқ танишиб бўлганларидан сўнг ўқувчилар асосида лавҳа чиқишлар ижро этишади

**Саҳна кўриниши.**

*/ Умри холанинг айвонда зўрға кўтарилиб кириб келиши, келини билан неварасини юпатиши, ўғли билан суҳбатини ўқувчилар ижро этишади . /*

Саҳнадан сўнг ўқувчилар томонидан изоҳланади, ўқитувчи эса асарнинг умумий якунини қуйидаги фаоллаштирувчи саволлар асосида мукамаллаштириб умумлаштиради.

**Фаоллаштирувчи саволлар.**

- 1- Ота-она нега фарзанд ўстиради
- 2- Шоикром нега хафа?
- 3- Шонемат ким?
- 4- Хадича нега «овқат қолмовди-я» дейди?
- 5- Асардаги фожеанинг қандай олдини олиш мумкин?

|  | 1-гурӯх                                                | 2-гурӯх                                                 | 3-гурӯх                                                              |
|--|--------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|
|  | Ота-онанинг вази фаси фарзандини тарбиялаб катта қилиш | Ота - она фарзандини давомчим деб билади.               | Келажакда бировга қарам бўлмаслиги учун тарбиялайди                  |
|  | Шоикром ўзидан - ўзи хафа                              | Шоикром уйининг аҳволи га, сиғири йўқолганлигига хафа   | Шоикром ўз замонинг оғир аҳволдан, ўзининг масъулиятсизлигидан хафа. |
|  | Шоикромнинг укаси                                      | Шонемат ёшлигидан касал бўлиб, 2-ёшида отасидан ажрайди | Шонемат Умри холанинг кенжа ўғли.                                    |
|  | Зикналиги туфайли, шу жавобни айтди.                   | Шоикромга овқатни иситиб бериш учун шундай дейди.       | Хадича ҳар қандай шароитда ҳам овқатни олиб келиши лозим эди.        |
|  | Моддий томондан таминланганда фожеа бўлмасмиди.        | Умри холага фақат Шоик- ром ёрдам бериши мумкин.        | Умри холанинг аянчли аҳволига фақат ачиндик, чунки шароити оғир эди. |

## **Уйга топширик:**

а) асарни тўлиқ ўқиб чиқиш б) асарда онанинг фожеасига изох

## **9-синф**

**Мавзу:** “Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида комил инсон ғояси

### **Дарсининг мақсади:**

-“Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод тимсолининг комил инсон сифатидаги инсоний фазилатларини тушунтириш;

-ўқувчиларда комил инсонга хос ахлоқий-маънавий сифатларни шакллантириш зукколикка, топқирликка, гўзалликни ҳис қилишга ўргатиш;

-маънавий меросимизни уқтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.

**Дарсининг усули:** Интерфаол усуллар, “Скарабей” технологияси

**Дарсининг жиҳози:** Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони.

Дарс мусобақа усулида олиб борилади. Дарс Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидан олинган қуйидаги сўзлари билан бошланади:

*Деди: - Ҳар шиники қилмиш одамизод,*

*Тафаккур бирла билмиш одамизод.*

Ўзбек адабиётининг сўнмас қуёши, яъни, “Шамсул миллат” деб шарафланган улуғ мутафаккир шоир, олим, давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий ўзидан ниҳоятда бой ва салмоқли асарлар қолдирди. Бу зоти шариф яратган бебаҳо хазина – лирик асарлар, даҳолар мусобақаси бўлган “Хамса” асари, қанча-қанча илмий, тарихий асарлари неча асрлар ўтган бўлса ҳам, тўқис-туғал ўрганиб бўлингани йўқ.

### **Баҳс-мунозара саволлари:**

1. “Хамса” ёзиш анъанаси кимдан бошланган? – Низомий, “Панж Ганж”, Деҳлавий, “Хамса”, Жомий, “Хавт авранг”

2. “Фарҳод” исми қайси сўзлардан олинган? - Фирок, рашк, ҳажр, оҳ, дард – “Фарҳод”

3. Нима учун Хисрав одамлари Фарҳодни яхши қарши оладилар?– Тўғрисўзлиги, мардлиги учун.

**“Ҳамкорлик квадрати”.** Бу машғулотда достоннинг исталган жойидан бир байтдан олиб уни бўлақлаб конвертларга солинади. Ва гуруҳдан ушбу байтни тиклаш сўралади. Мисол учун, комилликда Фарҳодга тенг бўлган Ширин тимсолига хос бўлган сифатлар танлаб олинади.

**Ўқитувчи:** Ишқ деганда биз нафакат севгини, ундан ташқари, ирода, сабот, матонат, илм, ибодат, оқиллик, ҳокисорлик, қаноат, ҳалимлик, меҳнатсеварлик, халқпарваплик, ҳаё, ота-онага ҳурмат каби туйғуларни қалбимизга сингдирамыз.

- Навоий улуғлаган комил инсон Фарҳод тимсоли орқали биз бугунги кунда ажалфуруш Хисравлар, ғоратчи Аҳраманлар, ёвуз маккораларга қарши курашамиз. Бу курашда Навоий ҳамиша бизга мададқордир. Чунки Навоий қуйлаган олийжаноб ғоялар ҳеч қачон ўлмасдир.

“Синквейн” қуйидаги қоида билан ёзилади: 5 қатордан иборат бўлади. (Биламизки “Синквейн” қисқа гапда катта ахборотни ўз ичига олган шеърдир.) Ўқувчилар менга ёрдам беради:

1-қатор. Мавзуни 1та сўз билан ифодаланг. -“Фарҳод”.

2-қатор. Мавзуни 2 сўз билан ёритинг. -“Навоийда Фарҳод”.

3-қатор. Мавзудаги воқеликни 3та сўз билан очинг. -“Комил шахс тимсоли”.

4-қатор. Мавзуда муносабат, ҳиссиётни адабиёт фани бўлгани учун 5-6 та сўз билан очиш мумкин. –“ Тили пок-у, дили пок-у, ўзи пок”.

5-қатор. Мавзу мазмунини 1 сўз билан якунланг. –“Ибрат”.

Ўқитувчи: Юртбошимиз бугунги кунда катта эътибор қаратаётган “Баркамол авлод” орзуси Навоий куйлаган, кўкларга кўтарган комил инсон ғояси билан ҳамоҳангдир. Мана, бизга Навоий даҳосининг яна бир кирраси! Дарҳақиқат, ҳам ақлий, ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлодгина жамиятни поклай олади, уни олға интилишга, тараққиётига йўл очиб беради. Улуғ бобомиз Алишер Навоий ният қилган комил инсон, юртбошимиз таъкидлаган баркамол авлод сиз-у биз бўлайлик. Зеро, қалбида эзгу ҳислар тўла бўлган инсон дунёни сақлашга, гўзалликлар яратишга қодирдир!

Бундай дарслар ўқувчиларни буюк аجدодларимиз ижодини синчиклаб ўрганишга даъват этиши, адабиётга қизиқишини орттириши билан бирга уларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш имконини беради.

Муҳокама қилинаётган мавзуларга жалб этиш, тегишли адабиётларни ўқишга ўргатиш, маърифат намоёндалари ижодини мукаммал ўрганиш ва уларда ўзлаштираётган дарслари, ижодий изланишларини ўртоқлари билан баҳслашишига истак уйғотишдан иборатдир.

Уйга топшириқ. Иншо. Достондаги “Фарҳод ва Ширин тимсолларига тавсифнома ёзиш”.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари:-Тошкент: «Ўқитувчи», 2004 .
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: «Маънавият», 2008.
3. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари малакасини ошириш факультети тингловчилари учун услубий тавсиялар.- Тошкент, 2004.
4. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари.- Тошкент: Ўз ПФИТИ, 1999.
5. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари (ўқув қўлланма).-Тошкент: «Фан», 2006.
6. Н.Н. Азизхўжаева. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Тошкент, 2000.
7. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. Тошкент: 2008.
8. Таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. Тошкент: 2008.
9. Хўжаев Н., Мамажонов И. Янги педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т., 2005
10. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи 2004
11. Толипов Ў., Усмонбоева М. «Педагогик технология: назария ва амалиё – Т.: Фан, 2005.
12. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Тошкент: «Шарқ», 1997.

## МУНДАРИЖА

|                                                                        |    |
|------------------------------------------------------------------------|----|
| Кириш                                                                  | 3  |
| 1 Таълим технологияларининг асосий йўналишлари                         | 4  |
| 2 Ривожлантирувчи таълим технологияси ва усуллари                      | 5  |
| 3 Технология ва усулларнинг она тили ва адабиёт дарсларида қўлланилиши | 6  |
| 4 “Икки қисмли кундалик” технологияси                                  | 7  |
| 5 “Зинама-зина” технологияси                                           | 8  |
| 6 “Бумеранг” технологияси                                              | 9  |
| 7 “Нуқтаи назаринг бўлсин” усули                                       | 11 |
| 8 “Маъруза” усули                                                      | 12 |
| 9 “Ақлий ҳужум” усули                                                  | 14 |
| 10 “Арра” усули                                                        | 15 |
| 11 “Кичик гуруҳларда ишлаш” усули                                      | 16 |
| 12 “Давра суҳбати” усули                                               | 17 |
| 13 “Муаммоли вазият” усули                                             | 18 |
| 14 Ривожлантирувчи таълим йўналишида ўқитувчига қўйиладиган талаблар   | 19 |
| 15 Муаммоли таълим технологияси                                        | 21 |
| 16 Муммоли таълимда ижодий топшириқлар                                 | 22 |
| 17 Дарс ишланмаларидан намуналар                                       | 26 |
| 18 Фойдаланилган адабиётлар рўйхати                                    | 39 |